**Мақсад:** Милиционер (ДАН) ходими фаолияти ҳақида маълумотга эга, болада ҳайдовчи ва милиционер орасидаги шахслараро муносабатларни шаклланган, йўл ҳаракат ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қила олади, транспорт ҳайдовчиси ва милиционерга нисбатан хурмат билан муносабатда бўлади.

**Жиҳоз ва материаллар:** милиционер кийими, унга мос аксесуарлар, машина, руль, қаҳрамонлар хужжатлари муляжи.

### Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. Ҳаракат йўналиши ва милиционер билан учрашув жойини режалаштириш;
2. ““ДАН ходими” сюжетли-ролли ўйинини ўйнаш;
3. Ўйналган ўйин бўйича сухбат.

**Қўшимча қисм:** Болалар ўйин фаолияти орқали светофор бўлмаган жойларда “ҳавфсизлик оролларидан” фойдаланиб ҳаракатни ва йўлни бошқаришни (регулировка қилишни) машқ қиладилар.

### Эътиборга молик жиҳати:

1. Болаларнинг милиционер билан мулоқот қилиш кўникмасини шаклланиши;
2. Йўл белгиларига эътиборли бўлишни ривожлантириш;
3. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари.

## Til va nутқ маркази

### **«Автомактаб»**

**Мақсад:** автомактаб қандай тузилишга эга эканлигини, унинг вазифаларини билади. Лугат бойлигини янги сўзлар билан бойитади ва ички нутқни фаоллаштиради, қайта сўзлаб бериш вақтида боғланган нутқни ривожлантиради, вақт ва фазода мўлжал олишни билади, мардлик, чақонлик ва дўстига ёрдам бериш кўникмалари шаклланади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** икки саҳифали картон: чап саҳифасида турли йўлда содир бўлиши мумкин бўлган вазиятлар ёпиштирилган, ўнг саҳифасида эса қоидалар чизилган.

### **Фаолиятнинг олиб борилиши:**

1. Турли йўлда содир бўлиши мумкин бўлган вазиятлар тасвиранган расмларни томоша қилиш;

2. Расмларда тасвиранган вазиятларни тушунтириш;

3. Пиёдалар, светофор ёнидаги болаларнинг харакатларини баҳолаш, керакли йўл белгиларининг муҳимлигини тушунтириш.

**Қўшимча қисм:** Ўйинни ўйнаш учун тарбиячи макет ясами мумкин.(қалин картон, унда муассаса авто майдончани аппликацияси байёрланган, машиналар юрадиган кенг кўча қисми, тротуарлар, ўйин майдончалар, йўл белгилари чизиклари чизилган бўлади) Ушбу макет билан болалар йил давомида: йўл белгиларини қўйиб чиқадилар, юз бериши мумкин бўлган йўлдаги вазиятларни моделлаштирадилар ва уларнинг ечимини топадилар. Турли вазифаларни бажарадилар: масалан, пиёдага чорраҳадан ўтишга ёрдам бер, қоида бузувчини аниқла, пиёда ўйинчоқларни ҳавфсиз ўналишга қўйиб чиқ ва х.к.

### **Эътибор бериш керак:**

1. Агар бола тўлиқ гаплардан фойдаланиб жавоб бера олмаса, ўналтирувчи ва ёрдамчи саволлар билан кўмаклашиш мумкин;

2. Айрим йўл белгиларини фарқлашни билиш;

3. Кузатувчанликни тарбиялаш;

4. Нутқни ривожлантириш.

## Fan va tabiat markazi

### **“Шахсий камалак”**

**Мақсад:** Ёруғлик нурининг сувдун ўтиш ҳолати билан танишиш.

**Жиҳоз ва материаллар:** Сув билан тўлдирилган идиш(ванна, тоғора), фонар, кўзгу, оқ қоғоз.

### **Фаолиятнинг олиб борилиши:**

1. Идишга сув қўйиб, тубига кузгуни қўямиз.

2. Кузугуға фонар орқали ёруғлик тушурамиз.

3. Акс этувчи ёруғликни қоғоз саҳифасида ушлаш лозим, натижада камалак ҳосил бўлади.

4. Тушунтириш: ёруғлик нури бир неча рангдан тузилади; ёруғлик сувдан ўтганда камалакнинг ранглари ҳосил бўлади.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи болаларга ўтказилган тажрибани ота-оналарига гапириб беришни ва уни уйда кўрсатиб беришни таклиф этиши мумкин.

### **Эътиборга молик жиҳати:**

1. Ҳаётни фан билан боғлашни билиш.

2. Ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари.

### Санъат маркази

#### **Расм «Келажак автомобили»**

**Мақсад:** майта қўл моторикасини, тасаввурини ривожлантириш, қўл остидаги воситалар ёрдамида расм чизишга ўргатиш.

**Жиҳоз ва материаллар:** замонавий машиналар расмлари тўплами, қофоз., бўёқ, гуашь, сув идишлари, ноанъянавий расм чизиш учун табиат материаллари ( пахта, қулоқ тозалагичлар, пахтали тампонлар)

#### **Фаолиятнинг олиб бориши:**

1. “Замонавий машиналар” мавзусида расмларни қўздан кечириш.
2. Ноанъянавий расм чизиш техникаси билан танишиш.
3. Қўл остидаги воситалар ёрдамида машина расмини хомаки чизмаларини чизиш.
4. Болаларнинг ижодий фаолияти.
5. Болалар чизган тайёр расмларни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

**Кўшимча қисм:** тарбиячи болаларга расм мавзусига оид шеър ёки қўшиқ куйлашни таклиф қилиши, кўргазма ташкил этиши мумкин.

#### **Эътиборга молик жиҳати:**

1. Тартибли ва гигиеник талабларга мос ишлашга ўргатиш.
2. Келажак машинаси ғоясини киритиши.
3. Тасаввuri ва майда қўл моторикасини ривожлантириш.
4. Ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари.

### Курилиш маркази

#### **“Автострада: қандай ҳаракат қилиш керак?”**

**Мақсад:** “Автомобиллар қатнови учун маҳсус катта йўлни кубиклар, курилиш блокларидан қуриш, фазода мўлжалга олиш, дикқат, идрок, хотирани ривожлантириш, топшириқни берилган кетма кетлиқда бажариш, ҳажмга эга бўлган шаклларни номини билиш ва ундан фойдаланган ҳолда қуриш, ранг ва шаклларни билиш.

**Жиҳоз ва материаллар:** кубиклар, геометрик шакллар, лего, автострада элементлари, “Тўғрига ҳаракат”, “Ўнга ҳаракат”, “Чапга ҳаракат” йўл белгилари.

#### **Фаолиятнинг олиб бориши:**

1. “Автострада” мавзусидаги расмни қўздан кечириш.
2. Болалар томонидан автострада қурилишини режалаштириш.
3. Болалар томонидан йўлни қуриш.
4. “Тўғрига ҳаракат”, “Ўнга ҳаракат”, “Чапга ҳаракат” йўл белгиларидан фойдаланган ҳолда қуриш.
5. Ҳаракат бошланиши ва бориш нуқталарини белгиланади.

Болалар белгиланган йўналиш бўйича йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ҳолда белгиланган нуқтага тезроқ етиб боришлари керак.

**Кўшимча қисм:** тарбиячи болаларга ўз ишларини белгилар, реклама лавҳалари ўрнатишни таклиф қилиши мумкин. (Уларни болалар чизиши ёки конструкциялаши мумкин)

#### **Эътиборга молик жиҳати:**

1. Болаларни жамоада ишлашга ўргатиш.

2. Тасавурини ривожлантириш
3. Ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари.

#### Нұтқ ва тил маркази

“Сүз үйини”

**Мақсад:** диққатни, хотирани ривожлантириш, лугат бойлигини бойитиши.

**Жиҳоз ва материаллар:** икки категориядаги турли сүзлар тасвиrlанган расмлар: светафор(словарь: учта күз, күчада турибди,чораҳа, ҳаво ранг, бир оёқ, сарық ранг, қызыл ранг, йүлдан үтиш, пиёданинг ёрдамчиси, яшил ранг, уйда турибди), йўловчи.

(**лугат:** автобус, маршрут, бекат, йўл, ўқиш, уйқу, чипта, чиптачи, самолётда учиш, пиёда, ўриндик, салон, кровать)

#### **Фаолиятнинг олиб борилиши:**

1. Болалар орасидан олиб борувчини белгилаш.

2. Тарбиячи томонидан үйин қоидасини тушунтириш: бошловчи расмли карточкани кўрсатади, болалар эса светафорга оид сўз бўлса бир марта, агар “йўловчи”га оид сўз бўлса икки марта чапак чаладилар.

3. Ҳар бир сўз танланишини тушунтирилади.

4. Сўзлар иштирокида ҳикоя тузиш: эрталаб, нонушта, болалар боғчасига йўл, пиёдалар йўлакчи, нон дўкони, дорихона, чораҳа, ер ости үтиш йўли, светафор, болалар боғчаси.

**Кўшимча қисм:** тарбиячи мавзуга оид сўзлар талафузини мустаҳкамлаш билан бирга болаларни жамоат жойларида ўзини тутиш маданиятига риоя қилишни ўргатади: транспортда йўл ҳаққини тўлаш, катталар турганда үтириш мумкин эмаслиги ва бошқалар.

#### **Эътиборга молик жиҳати:**

1. Сўзларни тўғри талаффуз этиш.

2. Тасаввурни ривожлантириши.

3. Ҳаёт хавфсизлиги сабоқларига амал қилиш.

#### Фан ва табиат маркази

#### **“Гулхан ҳавони ифлослантиради” (экологик тарбия)**

**Мақсад:** Ҳаво хусусиятлари билан танишиш, халтага ҳавони тўлдириш. Ҳаво ис газлари, оловдан ифлосланади, аммо ифлосланган ҳавони ўсимликлар ёрдамидамида тозалаш мумкин.

**Жиҳоз ва материаллар:** ҳар бир болага халта(пакет), гогурт, мавзуга оид расм, “Табиат ҳавони тозалайди” мавзусида слайд.

#### **Фаолиятнинг олиб борилиши:**

1. Халтани ҳавога тўлдириш ва уни кузатиш.

2. “Ҳавонинг ифлосланиши ва уни тозаланиши” мавзусида расмларни кўздан кечириш.

3. Ҳавонинг ифлосланиши бўйича тажриба ўтказиш.

4. Шагамни ёқиши ва олов устида ойна ёки чинни пиёлани тутиб туриш( бир оз вақт ўтгач болалар предмет қорайишини ва қоракуя билан қопланишини кўрадилар)

5. Ўтказилган тажриба муҳокамаси( яна нима ҳавони ифлослантиради? – автомобилларда чиқадиган ис газлари, сигаретлар, ёнғинлар, заводлардан чиқадиган тутунлар, ахлат уюмлари ва бошқалар)

6. Болалар хулосаси: ҳавони мухим тозалаш воситаси ва кислород етказиб берувчи ўсимликлар ҳисобланади.

7. Бөг майдончасидадарахт күчтини экиш.

**Кўшимча қисм:** тарбиячи болаларга ўсимликларни парваришилаш қоидалари ҳақида гапириб беради ва экилган күчтларга парваришилаш бўйича навбатчиларни белгилайди.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Тажрибани ўтказиш ва соғлиқни саклаш қоидаларига риоя қилиш.
2. Ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари.

### Санъат маркази

**Табиат материалларидан апликация: транспорт турлари**

**Мақсад:** майта қўл моторикасини, тасаввурини ривожлантириш, эстетик безатиш, апликацияда табиат материалларини уйғунлаштиришни билади. Ўзининг ижодини чиройли безатади.

**Жиҳоз ва материаллар:** табиат материаллари, рангли картонлар, қофоз, елим, степлер, рамкалар.

**Фаолиятнинг олиб бориши:**

1. “Транспорт” мавзусида расмларни кўздан кечириш.
2. Тасвирий санъат фаолияти ноанъанавий техникаси билан танишиш.
3. Расм ва табиат материалларини танлаш.
4. Болалар билан мавзу асосида апликация ишини бажариш.
5. Болалар тайёр расмларни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

**Кўшимча қисм:** тарбиячи болаларга апликацияни безатиш, мавзуга оид шеър ёки қўшиқ кулашни таклиф қилиши, кўргазма ташкил этиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Тартибли ва гигиеник талабларга мос ишлашга ўргатиш.
2. Тасаввури ва майда қўл моторикасини ривожлантириш.
3. Ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари.

### Курилии маркази

**“Гараж қурамиз”**

**Мақсад:** Гаражни кубиклар, қурилиш блоклари, легодан қуриш, ҳажмга эга бўлган шаклларни номини билиш ва ундан фойдаланган ҳолда қуриш, ранг ва шаклларни билиш.

**Жиҳоз ва материаллар:** кубиклар, геометрик шакллар, лего, гараж элементлари.

**Фаолиятнинг олиб бориши:**

1. “Машина учун гараж” мавзусидаги расмни кўздан кечириш.
2. Болалар томонидан майдонча қурилишини режалаштириш.
3. Болалар томонидан майдончани қуриш.
4. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

**Кўшимча қисм:** тарбиячи болаларга ўз ишларини майда ўйинчоқлар билан тўлдиришни таклиф қилиши мумкин. (машиналар, асбоблар, дараҳтлар ва бошқалар)

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Болаларни жамоада ишлашга ўргатиш.
2. Тасаввурини ривожлантириш
3. Ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари.

Сюжетли-ролли ўйин ва драматизация маркази

**“Самолётда учамиз”**

**Мақсад:** Аэропорт, аэропорт ходимлари меҳнати ҳақида тасаввурга эга бўлиш, болаларда учувчи ва йўловчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида тушунча ҳосил бўлади, учиш вақтида қоидаларга амал қилишни билади. Катталарага ва аэропорт хизматчиларига нисбатан хурмат ҳисси тарбияланади.

**Жиҳоз ва материаллар:** учувчи ва стюардесса кийими, унга мос аксессуарлар, чемодан, кресло.

**Фаолиятнинг олиб борилиши:**

1. Болалар ўртасида ролларни тақсимлаш
2. Аэропорт хизматчилари билан учрашув ва йўналишни режалаштириш.
3. “Самолётда учамиз” ўйинини ўйнаш.
4. Ўйналган ўйин бўйича суҳбат.

**Қўшимча қисм:** Тарбиячи болаларга трапни конструкциялаш, чипталарни чизиб тайёрлаш, мусиқий безатишни таклиф этиш мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Болаларнинг аэропорт хизматчилари билан мулоқот қилиш кўникмасини шаклланиши;
2. Логик тафаккурни ривожлантириш;
3. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари.

## **НОЯБРЬ 2 ҲАФТАСИ** **ЭХТИЁТКОР ПИЁДА ҲАФТАСИ**

### *Қурилиш маркази*

#### **“Пиёда йўлкаси”**

**Мақсад:** геометрик шаклларни фарқлашни мустаҳкамлаш, пиёда йўлакчасининг нима учун кераклини айтиб бера олади. Йўлакчани геометрик шаклларидан қуришда қанча шакл кетганлигини хисобини олишга ўргатиш.

**Жиҳоз ва материаллар:** геометрик, ҳамда қурилиш керакли шакл ва жиҳозлар, йўл.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Пиёда мавзусидаги расмларни кузатиш.
2. Болалар билан “Пиёдалар йўлаги” ни қуриш режасини тузиш.
3. Геометрик шакллардан “Пиёдалар йўлаги”ни қуриш.
4. “Пиёдалар йўлаги”ни ўлчаш.
5. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** Тарбиячи болаларга оқ қоғоздан лентачалар кесиб, пиёда йўлакчасини ёпиширишни тавсия этади.

**Эътиборга молик жиҳати:** Болаларнинг жамоада ишлаши, қурилишда тозаликка эътибор, хаёт ҳавфизлиги сабоқлари.

### *Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази*

#### **“Мен пиёда”**

**Мақсад:** Жамоат жойларида ўзини тута олади. Транспорт воситаларининг ҳавфли эканлигини тушунади. Транспорт турларини фарқлайди. Кузатиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш малакасига эга.

**Жиҳоз ва материаллар:** Кўрсаткич, машиналар, хизмат бош кийими, йўл кўрсатиш таёқчаси.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Мавзуга оид мавзуларни кузатиш;
2. Болалар билан сайрга бориш жойини режалаштириш;
3. Қоғоз картондан кўрсаткич ва белгиларни тайёрлаш;
4. Болалар орасида ролларни тақсимлаш;
5. Ўйин иштирокчиларининг дикқатларини йўлни тўғри кесиб ўтишга, йўл белгиларига риоя этишга чақириш;
6. Жамоа жойларида тартиб сақлаш, йўл белгилари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш;
7. Ўйинлар муҳокамаси ва болаларни рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** Тарбиячи болалар билан “Билмасвой шаҳарда (қишлоқда) мавзусида ўйинни саҳналаштириши мумкин. “Уйдан боғчагача” йўл харитасини тузиш, жамоат жойларида жамоа тартиби қоидаларига риоя қилиш, атрофга эътиборли бўлиш, тозаликни сақлаш, пиёдалар йўлкасидан юриш, катта йўлга чиқиб кетмаслик, пиёдалар йўлкаси йўловчилар учун ажратилган бўлиб, пиёдалар йўлаги бўлмаган тақдирда катта йўлнинг четидан машиналар қатновига қарама-қарши юриши лозимлигини тушунтиради.

#### **Эътиборга молик жиҳати:**

1. Сўз бойлигини оширишга;
2. Ижодий қобилиятларни ривожлантиришга;

3. Ҳаёт ҳавфизлиги сабоқлари.

#### Тил ва мурасида маркази

##### **Ҳавфли холатларни саҳналаштириши**

**Мақсад:** Ўз қарорларини чиқариш қобилиятини кўрсатиш “Вазифаларни кетмакетликда бажаради. Ҳавфли холатларни фарқлаш ва уларга тўғри муносабатда бўлиш.

**Жиҳоз ва материаллар:** турли обьектлар ва расмлар, ҳиёбонлар қўчаларнинг ўйинчоқлари.

##### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Турли хилдаги кўргазмали қуроллар ва плакатлар, расмлар;
2. Плакат ва расмлар билан ишлаш;
3. Ҳавфли холатлар тасвирланган расмлар намойиши ва холатларни болалар билан мухокама қилиш;
4. Ҳиёбон, кўча ва ўйин учун ҳавфсиз жойлар тасвирланган расмларга ўз фикрини билдириш;
5. Луғат бойлигини ўрганиш ва бойитиш.

**Қўшимча қисм:** Тарбиячи болаларга кўчада юриш қоидаларини ўргатишида давом этади. Яқин орадвиги жойни мўлжал олишни, кўчаларда расмлардаги асосий биноларни номини билишга ўргатади.

##### **Эътиборга молик жиҳати:**

1. Мантиқий фикрлашга;
2. Тахлил қилиш ва умумлаштиришга;
3. Ҳаёт ҳавфизлиги сабоқларига.

#### Фан ва табиат маркази

##### **Ҳаво билан тажриба (экологик тарбия)**

**Мақсад:** Ҳавонинг ажойиб ҳусусиятлари билан танишиш. “Ҳавони” қидириш мавзусидаги тажрибани ўtkаза олади (банкадаги ҳаво). Пакетдаги ҳаво, ҳаво шарлари, совун кўпиги, совуқ кунларда ҳаво чиқариш. Инсон ҳаётида ҳавонинг ролини тушунади.

**Жиҳоз ва материаллар:** елим пакет, шарлар, мавзу бўйича расмлар, “Табиат ҳавони тозалайди” мавзусидаги слайдлар.

##### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Ҳавони йигиш ва уни чиқариш;
2. “Ҳавони қидириш” мавзусидаги расмни кузатиш;
3. Ҳавони қидириш бўйича тажриба ўtkазиш;
4. Экологик тарбия;
5. Болалар ишини мухокама қилиш ва рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** ўсимликлар, елим идишлар, гул экилган тувак, шарлар, белруракча, контейнер.

##### **Эътиборга молик жиҳати:**

1. Тажриба ўtkазиш давомида саломатликни сақлаш қоидаларига риоя қиласи;
2. Тасавурларини кенгайтириш ва майда қўл моторикасининг ривожланишига;
3. Ҳаёт ҳавфизлиги сабоқларига.

### Санъат маркази

**Ўз қўлимиз билан “Светофор” ясаймиз**

**Мақсад:** картондан светофор ясашни билади. Ташландиқ материаллардан фойдалана олади. Ўз ишига жавоб беради.

**Жиҳоз ва материаллар:** рангли қоғоз ва картон, қайчилар, елим, қутилар, пластелин, табиат материаллари (барглар, навдалар, уруғ ва бошқалар).

**Фаолиятнинг бориши:**

1. “Шаҳардаги светофор” мавзусидаги расмни кўриш;
2. Светофор ясаш учун столни тайёрлаш;
3. Қаттиқ қора картондан тўғри туртбурчак шакл кесиб олиш;
4. Доира шаклидаги шаблонни тайёрлаш ва тўртбурчакда 3 та доира ҳосил қилинади;
5. Кесилган доираларга қизил, сарик, яшил рангли картонлардан доиралар кесилади ва қора картондаги тешикларга ёпиштирилади;
6. Тўғри тўртбурчакнинг ён томонларига ҳам қора картондан кесиб тайёрланган туртбурчаклар ёпиштирилади;
7. Ҳаракатлантирувчи қисмлар ўрнатилади;
8. Болаларнинг фаолият натижасини муҳокама қилиш.

**Қўшимча қисм:** кўргазма ташкил этилади. Мавзу бўйича шеър ёки қўшиқ ижро этилади.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Болаларнинг гигиеник талабларга риоя қилган ҳолда ишлашларига;
2. Бир-бирларини хурмат қилишга;
3. Тасаввурларини кенгайтириш, боғланган нутқини а, майда қўл моторикасини ривожланишига;
4. Ҳаёт ҳавфизлиги асослари.

### Сюжетли-ролли ўйин ва драматизация

**Шаҳар кўчалари**

**Мақсад:** тасаввурларида ўйинларни шакллантириш. Бир ўйин мазмунида бир нечта ўйинни бирлаштиришга ўргатиш. Одамлар ҳаёти, уларнинг ўзаро муносабати, бир-бирларига боғлиқлиги ҳақидаги тушунчаларни кенгайтиришни давом эттириш.

**Жиҳоз ва материаллар:** светофор макети, йўл белгалари, ўйинчоқ машиналар, аравачалар, ДАН ходими иш қуроллари, “Дўкон”, “Гўзаллик салони”, уйлар макети.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Мавзу асосидаги расмларни кўриш;
2. Болалар билан шаҳарнинг қайси кўчасига сайр уюштириш режасини тузиш;
3. Хўжаликни болалар билан бирга юритиш;
4. Касалхонага мурожаат қилиш;
5. Дўконга харид учун бориш.

**Қўшимча қисм:** Тарбиячи сайр давомида велосипедда учишни таклиф этади. Йўл белгиларига риоя қилишни таклиф қиласади.

**Эътиборга молик жиҳати:**

Сўз бойлигини оширишга, ижодий қобилияtlарини намоён бўлишига.

### Тил ва нутқ маркази

#### **“Уйга йўл” ўйини**

**Мақсад:** уйга ва муассасага олиб борувчи йўналиш, унда жойлашган ижтимоий объектлар ҳақида тасаввурга эга бўлади. Сўз бойлиги фаолашади. Фазовий тасаввурлари ривожланади.

**Жиҳоз ва материаллар:** расмлар, плакатлар, йўналиш чизмаси, шартли белгилар.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Йўналишни танлаш;
2. Йўналишдаги ижтимоий объектлар ҳақида сұхбат;
3. Луғат бойлигини янги сўзлар билан бойитиш;
4. Йўналишни кўриб чиқиш ва фазовий тушунчаларни аниқлаштириш;
5. Ҳар бир боланинг уйини белгилаш;
6. Ҳар бир боланинг уйдан боғчага ва аксинча юриш йўналишини белгилаш;
7. Болалар билан йўллардаги йўл белгилари тўғрисида сұхбатлашиш:
  - Пиёдалар ўтиш жойи;
  - Тиббиёт муассасаси;
  - “Тўхта” белгиси, юриш тақиқланади ва ёқилғи қўйиш шохобчаси белгилари.

**Қўшимча қисм:** Қўшимча равища тарбиячи энг муҳим белги ва йўлда юриш коидаларини тушунтириб, мустаҳкамлаши мумкин.

#### **Эътиборга молик жиҳати:**

1. Хотира, диққат ва ижодкорликни ривожланиши;
2. Тасаввурлари ва нутқни ривожланиши;
3. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқларига.

### Фан ва табиат маркази

#### **Ичимлик суви қандай келади?**

**Мақсад:** сув ҳақидаги тушунчаларни, физика қонунларини мустаҳкамлаш, табиий шароитда сув чиқариш усууллари билан танишади.

**Жиҳоз ва материаллар:** белкурак, кленка, тош.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

4. Муассаса худудидаги боғдан тажриба жойини тайёрлаш;
5. Ерда чуқурлиги 25 ва диаметри 50 см бўлган чуқурни тайёрлаш;
6. Чуқурнинг марказига бўш пластик контейнер ёки бошқа идишни ўрнатиш, унинг атрофига янги яшил ўт ва баргларни жойлаштириш;
7. Чуқурликни тоза полиэтилен кленка билан ёпиш ва унинг атрофларини четидан ҳаво чиқмайдиган қилиб тупроқ билан беркитиш;

**Қўшимча қисм:** тарбиячи болаларга узоқ ўлкаларга саёҳат қилган ва бу саёҳат вақтида сувсиз қолган саёҳатчилар ҳақида қизиқ воқеаларни ўйлаб топишни таклиф этади.

#### **Эътиборга молик жиҳати:**

Болаларнинг кузатувчанлигига, амалга оширилган тажриба бўйича ота-оналар билан мухокама уюштириш ва уйда мустақил бажаришни таклиф қилиш.

### Санъат маркази

#### **Йўл белгиларини ясаш (лой иши)**

**Мақсад:** пластелин ёки лойдан йўл белгиларини чсашни билади, қўшимча материаллардан фойдаланади. Маданий гигиеник кўникмалари шаклланган. Пластелинни айлантириш ва думалатиш кўникмалари ривожланган.

**Жиҳоз ва материаллар:** оқ тупроқ ва пластилин, йўл белгиларини безатиш учун жихозлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. “Йўл белгилари” мавзусидаги расмни томоша қилиш;
2. Иш столини йўл белгиларини ясаш учун тайёрлаш;
3. Йўл белгиларини ясаш;
4. Болалар ишлари натижаларини мухокама қилиш.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи мавзу бўйича шеър ёки ашула айтиб беришни таклиф этиши ва кўргазма ташкил этиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Озода ва гигиеник талабларга риоя этиб ишлаш кўникмасининг ривожланишига;
2. Дўстининг меҳнатини хурмат қилиш;
3. Тасаввурлари, боғланган нутқи ва майда моторикасини ривожлантириш;
4. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари.

## НОЯБРЬ З ҲАФТАСИ «ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ҲИЗМАТЛАРИ »

*Сюжетли-ролли ўйин ва саҳналаштириши маркази*

**«Биз қутқарувчилармиз»**

**Мақсад:**хавфли вазиятлар ҳақида тасаввурга эга, қутқарув хизмати иши ҳақида элементар билимга эга.

**Жиҳоз ва материаллар:** никоблар, руль машиналар костюмлар; фуражкалар, мавзу юзасидан турли вазиятли иллюстрациялар

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Мавзу юзасидан сюжетли расмларни кўриш
2. Ролларни тақсимлаш ва турли вазиятларни саҳналааштириш.
3. Тезкор чакирав телефонлари ҳақида билимларни мустаҳкамлаш.
4. Ўйинлар, мухокама ва болаларни рағбатлантириш.

**Қўшимча:** Бадий сўз билан тўлдириш.

**Нимага эътибор қаратиш лозим:** луғат бойлигини бойитиш, ижодий қобилиятни ривожлантириш; ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари

**Тил ва нутқ маркази**

**Мавзу «Хавфли предметлар»**

**Мақсад:** турмушдаги хавфсизлик манбалари ҳақида элементар билимга эга – электроасбоблар, газ плитаси, гугурт. Айрим асбобларнинг болалар учун хавфли томонларини тушунтириб бера олади.

**Жиҳоз ва материаллар:** мавзу бўйича иллюстрациялар, плакатлар, хавфли предметлар ва тезкор хизмат рақамлари кўрсатилган пешлавҳа.

**Фаолиятнинг бориши.**

1. Сюжетли расм ва плакатларни кузатиш.:

- 1) Расмлар бўйича таянч сўзини айтади;;
- 2) расмдаги вазиятларни тавсифлайди ;
- 3) мос рақамли пешлавҳани топади, ундаги тезкор хизматнинг рақамини айтади;
- 4) болалар ишининг муҳокамаси, рағбатлантириш.

**Қўшимча:** бадиий сўз билан бойитиш.

**Нимага эътибор қаратиш лозим:** қисқа гаплардан иборат хикоя туза олиш; таҳлил қилиш ва умумлаштира олиш; тасаввурни кенгайтириш, хаёт хавфсизлиги сабоқлари.

#### Фан ва табиат маркази

##### **«Сув ва қум хусусиятлари – Ўт ўчирувчиларнинг ёрдамчилари»**

**Мақсад:** сув ва қумнинг айрим хусусиятлари ва нам қумнинг ажойиб хусусиятлари билан таниш. Сувдан фойдаланишни билади. Сув билан тажриба ўтказади. Ўт ўчирувчилар фаолиятида сувнинг аҳамиятини билади.

**Жихоз ва материаллар:** сув, қум, шам, гуруртлар, мавзу бўйича иллюстрациялар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Ёнгиндан ёрдамчи сифатида сув ва қумнинг хусусиятлари билан танишиш;
2. Тарбиячи билан иш; оловни ўчириш (ёнган шамни сув ва кув ёрдамида ўчириш.
3. Хулоса чиқарилади.

**Қўшимча:** кислородсиз расмларда тажрибадаги кислородсиз оловни ўчиришни кузатадилар.

**Нимага аҳамият бериш лозим:** тажриба ўтказа олиш; қоидани билади ва унга амал қиласи; хаёт хавфсизлиги сабоқлари.

## НОЯБРЬ 4 ҲАФТАСИ

### «КАСБЛАР, БИЗНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИМИЗ »

#### Куриши, ясаш ва математика марказлари

##### «Мактабни» қурамиз

**Мақсад:** қурилиш биноларини, уларнинг шаклларини билади, уларнинг баландлигини ўлчай олади. Геометрик шаклларни айтади (куб, тўғри тўртбурчак, тўртбурчак). Мактабни сюjetли қуришни билади.

**Жихоз ва материаллар:** катта қурилиш материаллари, столусти қурилиш материаллари (майда сюjetли ўйинчоқлар, дарахталар ва гуллар билан мактабни безатиш).

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Қурилиш шаклини танлайди;
2. Қурилиш учун керак бўлган қурилиш материалларини танлайди;
3. Мактаб қурилиши;
4. Қурилиш атрофидаги ҳудудни ободонлаштиради.

**Қўшимча:** мактаб ҳақида шъерларни эслайди. Тарбиячи ўқитувчилик касби ҳақида гапириб беради.

**Нимага аҳамият бериш лозим:**

1. Жамоада ишлаш қобилиятига эга;

2. Геометрик шакллар ва курилиш материаллар тұғрисидаги тушунчани мустаҳкамлаш;
3. Курилишда мустаҳкамлик ва ишончлиликтен ташкил этиш;
4. Хаёт хавфсизлиги сабоқлари.

*Сюжетти-ролли үйин ва саҳналаштириши маркази*  
**«Шифокор қабулида»**

**Мақсад:** Шифокор касби билан танишиш. Айрим тиббиёт ускуналар нима учун ишлатилиши тұғрисида тушунчага эга (харорат үлчагич, шприц, стетоскоп ва ҳ.к.)

**Жихоз ва материаллар:** шифокор учун керакли бўлган болалар тўплами, шифокор тўплами, қўғирчоқлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Ролларни мустақил равища да тақсимлайди (шифокор, она қизи билан ва ҳ.к.)
2. Ўзи үйлаб топган сценарийни саҳналаштиради
3. Мазкур тематика бўйича роллар билан алмашади ва янги сюжетни саҳналаштиради.

**Нимага эътибор бериш лозим:** үйин давомида болаларнинг ўзаро муносабати; үйин иштирокчиларига эмоционал муносабат; фаол бўлмаган болаларнинг үйиндаги иштироқи.

*Тил ва нутқ маркази*  
**«Касбларнинг ҳар ҳил турлари»**

**Мақсад:** Айрим касбларни билади ва уларнинг инсон хаётидаги роли.

**Жихоз ва материаллар:** ҳар бир бола учун расм, тематик расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Шеърларни тинглайди
2. “Касблар” расмларини кўриб чиқади.
3. Ота-онасининг касби ва улар нима билан шуғулланиши тұғрисида гапириб беради. (масалан, менинг онам – болалар шифокори. Улар болаларни даволайдилар, дори ва уколларни ёзибберади. Менинг отам – автобус ҳайдовчиси. Улар одамларни ишга ва ўқишига олиб борадилар.)

**Қўшимча:** келажакда ким бўлиши тұғрисида сўзлаб беради.

**Нимага аҳамият бериш лозим:** болалар нутқини тўғри қўйиш.

*Фан ва табиат маркази*  
**«Балиқчаларни парваришлаймиз»**

**Мақсад:** аквариумдаги балиқчаларни парваришлай олади, балиқчаларни қандай озуқаланишини ва озуқалантиришини билади. Сувда балиқнинг қандай нафас олишини тушунади.

**Жихоз ва материаллар:** балиқчалар билан аквариум, уларнинг озуқаси, қармоқ, болалар учун сув ости ўйинчоқлари.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Болалар аквариумни кузатади ва балиқчаларни парваришлаш бўйича билимини кўрсатади.

2. Балиқчалар тўғрисида нималар билишини сўзлаб беришади.

3. Балиқларнинг ранги тўғрисида сўзлаб беради.

4. Аквариум ва балиқларнинг расмини чизади.

**Нимага аҳамият бериш лозим:** фаол бўлмаган болаларни ижтимоий мухитга мослаштириш, эмоционал ҳолати, хаёт хавфсизлиги асослари.

#### *Курилиши, ясаш ва математика маркази*

#### *«Атрофимиздаги харфлар»*

**Мақсад:** рақамларни танийди, уларни ёзишни билади. Топишмоқ ва мақолалар билан қизиқади.

**Жиҳоз ва материаллар:** рақамлар расми, “Рақам нимага ухшайди” предметларнинг иллюстрацияси, ҳисоб таёқчалари, масалалар билан қофозлар.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. 10 гача ва орқага санай олади;
2. “Рақам нимага ухшайди” предметларнинг иллюстрациясини тамоша қилади.
3. Рақамли карточкаларни тартибли жойлаштира олади..
4. Ҳар бир рақамли карточкалар тагида ҳисоб таёқчалари ва тиш ковлагич билан рақамни ясай олади.

**Қўшимча:** масалалар кўрсатилган варақларни тўлдиради.

**Нимага аҳамият бериш лозим:** болаларнинг фаол иштироки; хаёт хавфсизлиги сабоқлари.

#### *Сюжетли-ролли ўйин ва саҳналаштириши маркази*

#### *«Димлаймиз, пииширамиз – ошпазлик касби»*

**Мақсад:** ошпаз нима билан шуғулланишини билади, айрим таомлар номини билади.

**Жиҳоз ва материаллар:** болалар ошхона тўплами, ошпаз кийими; болалар идиштоворғи, маҳсулотлар муляжи ва ҳ.к.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

5. Ўйин сюжетини ўйлаб топадилар.
6. Сюжетни саҳналаштириш учун роллар тақсимланади.
7. Сюжетли-ролли ўйин.

**Қўшимча:** ёқтирадиган таомлар ҳақида сўзлаб берадилар.

**Нимага эътибор қаратиш лозим:** ўйин мобайнида болаларнинг ўзаро муносабатлари; ўйин иштирокчиларининг эмоционал ҳолатига

#### *Тил ва нутқ*

#### *Мавзу «Хунармандалар шахри»*

**Мақсад:** чизма асосида тавсифий ҳикоя тузади; нутқида феълларни қўллайди; турли касбдаги кишиларга ўз қизиқиши ва ҳурматини ифодалайди.

**Жиҳоз ва материаллар:** тақдимот, турли касб вакилларининг иш кийимлари ва уларнинг иш қуроллари.

Машғулотнинг бориши.

1. Тарбиячи ёрдамида топишмоқлар ўқийдилар:

- 5) ким сизларга кўйлак, куртка ва севимли озиқ-овқатларни сотади? (сотувчи)
- 6) ким ҳамма касалликларни даволайди, кимга нима фойдали эканлигини билади? (шифокор)
- 7) ким ёнгинни ўчиради, одамларани кутқаради? (Ёт ўчирувчи)
- 8) ким машинада юк ташийди? (Ҳайдовчи)
- 9) ким фен ва тароқ билан дўстлашган ва модага мос соchlарни турмаклайди (Сартарош)
- 10) ким таомлар тайёрлайди: шўрва, котлетлар, винегретлар (Ошпаз)
- 11) Ким тинчлигимизни сақлайди, бузғунчиларни тутади? (Милиция ходими)
- 12) Ким мактаб, уй, болалар боғчаси, дўконларни қуради? (Қурувчи)
2. Турли касбларнинг иш кийими ва иш куроллари билан танишадилар.
3. Ҳар бир касбга мос феълларни танлайдилар: «Нима қиласпти?» саволига жавоб берадилар  
(масалан: ошпаз – пиширади, ковуради, тайёрлайди; Шифокор – даволайди, укол қиласди. Қурувчи – қуради ва х.к.)

**Қўшимча:** шеър ўқидилар

**Нимага эътибор қаратиш лозим:** болалар нутки; феълларни тўғри қўллай олиш малакаси.

### Санъат маркази

#### *Аппликация. «Касблар» китобчаси.*

**Мақсад:** касбалар тўғрисида тасаввурга эга; айрим касбларнинг асосий роли тўғрисида билади.

**Жихоз ва материаллар:** рангли қоғоз, картон, касблар тўғрисида расм ва табрикномалар, елим, қалам, қайчи, салфетка; китобчани жамлаш намунаси.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Намуна бўйича китобчани ясаш;
2. Журналлардан касблар тўғрисидаги расмларни танлаб олади ва қирқиб олади;
3. Китоб варакларини касблар тўғрисидаги расмлар билан тўлдиради ва касблар номини босма ҳарфларда ҳар бир расм тагига ёзиди чиқадилар.
4. Китобнинг титул варагини безатади.

**Қўшимча:** бир бирларини ўз китоблари билан таниширадилар.

**Нимага эътибор бериш лозим:** ишга ижодий ёндаша олиш, батартиб ишлай олиш ва иш жойини тартибга келтириши.

5. Рақамли карточкаларни тартиби билан жойлаштирадилар.
6. Ҳар бир рақамли карточка тагига ҳисоб таёқчаси ва ёки тиштозалагич билан рақамни ясайди.

**Қўшимча:** топшириқли варакни тўлдириши.

**Нимага эътибор қаратиш лозим:** болаларанинг фаол иштироки; ҳаёт хавфсизлиги сабоқлари

### Фан ва табиат маркази

#### *«Табиат календари»*

**Мақсад:** об-ҳаво ўзгаришини кузатади ва маълумотларни махсус жадвалга киритади.

**Жиҳоз ва материаллар:** ташқаридаги ҳароратни ўлчайдиган термометр, қаламлаар, кузатиш вараги

**Фаолиятнинг бориши:**

4. Об-ҳаво ўзгаришини кузатадилар;

5. Кузатиш варагига маълумотларни киритадилаар: кўчадаги об-ҳаво ҳароратини кўрсатадилар.

6. Осмондаги ўзгаришларни кузатадилар ва расмини чизадилар.

**Қўшимча:** календарь ўкув йили мобайнида мунтазам тўлдирилиб борилиши мумкин.

**Жиҳоз ва материаллар:** кузата олиш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш.

*Санъат маркази*

**«Кузги осмон»**

**Мақсад:** куз осмонининг ўзига хослигини билади, кузги табиат ўзгаришларини билади

**Жиҳоз ва материаллар:** қофоз, бўёқлар, сув идиши.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Куз осмонини сўз билан тасвиirlаб бериш, об-ҳаво ва осмондаги ўзгаришларни айтиш.

2. Куз осмони тасвиirlangan фоторасмларни кўриш.

3. Расм чизиш

4. Галерея ташкил этиш, рафбатлантириш.

**Қўшимча:** жамоа ишини ташкил этиш.

**Нимага эътибор қаратиш лозим:** йил фаслларининг ўзига хослигини билиш; тасаввурни ривожлантириш ва янги ранг турларини яратиш малакаси.

**ДЕКАБРЬ**  
**ОЙ МАВЗУСИ: «ЗУМРАТ ҚИШ»**

гурух	Тайёрлов гурухи _____ (номи)					
Мавзу	«Зумрат қиши. Конституция куни».					
Давр	<b>ДЕКАБРЬ</b> ўйининг 1 хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига доир мақсадлар	Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Соғлом турмуш тарзи малакаларини шакллантириш.				
	Ижтимоий-хиссий ривожланиш	Ўз хисларини ифодалашни назорат этишга ва турли ижтимоий вазиятларда хиссий реакция қилиш этишга ўргатиш;				
	Нутқ, мулокот, ўқишива ёзув малакалари	Болаларнинг Давлатимиз байрами бўлган «Конституция куни» хақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Нутқда мураккаб гапларни ва ибораларни кўллаган ҳолда расмлар асосида ҳикоя қилишга ундаш.				
	Билишни ривожлантириш	Болаларда қишиш ва унинг белгилари, қишиш ойлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.				
	Ижодий ривожланиш	Ҳаётдаги ижтимоий ҳодисаларни ифодалашнинг турли воситаларини кўллаган ҳолда тасвирий ижодда акс эттиришга ўргатиш. Сюжетни истакка кўра танлаш, ўйланганларни расмда ёки ҳайкалда ифодалаш.				
Ривожланиш маркази		Ўкув-тарбиявий фаолият				
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Куриш ва конструкторлаш маркази, математика	душанба	сешанба	чоршанба	пайшанба	жума
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш	Предметларни тўғри ва тескари санаш . Геометрик фигуralар ёрдамида расм ҳосил қилиш				Байрамона уй.
	Нутқ ва тил	«Бу қачон содир бўлади?» дидактик ўйини			«Қишиш ҳақидаги расмни тўпла» дидактик ўйини (пазллар)	
	Фан ва табиат маркази	«Кор қиз» эртагининг драммалаштирилган ўйини.				
	Санъат маркази	«Байроқ» апликацияси			«Мен қишида нимани яхши кўраман» расм чизиш	«Қишиш» мавзусига оид карточкалар
	Умумий гурух бўлиб ишлаш				«Биз қишида сайдамиз» лой иши	Гурухдаги об ҳаво календари
						Бўёқлар, пластилин, қайчи, рангли қофоз, елим

## ОЙ МАВЗУСИ: «ЗУМРАТ ҚИШ»

гурух	Тайёрлов гурухи _____ (номи)					
Мавзу	«Соғлом танда – соғ акл»					
Давр	ДЕКАБРЬ ўйининг 2 ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига доир мақсадлар	Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Ҳаракат кўнгилмаларини яхшилаш. Тўғри қадди қоматни сақлашга, ташқи орасталикка риоя этишга ўргатиш				
	Ижтимоий-хиссий ривожланиш	Болалар орасида дўстона ўзаромуносабатларни тарбиялаш, атрофдаги инсонларга нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялаш.				
	Нутқ, мулоқот, ўқишиша ёзув малакалари	Барча товушларнинг аниқ талафузини мустаҳкамлаш. Нутқнинг аниқлигига эришиш.				
	Билишни ривожлантириш	Болаларни соғлом турмуш тарзи қоидалари ва спорт турлари билан таништириш, мамлакат ҳаётидаги жисмоний соҳага оид воқеаларга бўлган қизиқишини қўллаб қувватлаш				
	Ижодий ривожланиш	Болаларни образнинг ифодаларини, предметнинг характерли сифатларини, ҳаракатларини тасвирий воситалар кўмагида ифодалашга ўргатиш. Ижодкорликни ривожлантириш				
<b>Ривожланиш маркази</b>		Ўқув-тарбиявий фаолият				
		душанба	сешанба	чоршанба	пайшанба	жума
Эркин фаолият	Куриш ва конструкторлаш маркази, математика	Спотр мажмуасини курамиз. (Йирик қурилиш материалидан)			«Спорт ҳақидаги расмни тўпла» (пазллар)	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш	Спорт анжомлари дўкони				
	Нутқ ва тил	«Расмда қандай спорт тури тасвирлаган?» дидактик ўйини		«Қандай сўз мос келмайди?» дидактик ўйини		«Жисмоний тарбия ва спорт» мавзусига оид расмли карточкалар
	Фан ва табиат маркази	Сумалакни кузатамиз.		Рангли муз ясаймиз		
	Санъат маркази	«Биз спорт билан шугулланамиз» лой иши			«Қандай спорт тури менга ёқади?» расми	
	Умумий гурух бўлиб ишлаш					Бўёклар, қаламлар, қоғоз, салфетки. Пластилин, тахтачалар, стеклар.

## ОЙ МАВЗУСИ: «ЗУМРАТ ҚИШ»

<b>Гурух</b>	Тайёрлов гурухи _____ (номи)							
<b>Мавзу</b>	«Устки ва оёқ кийимлар»							
<b>Давр</b>	ДЕКАБРЬ ўйининг 3 хафтаси							
<b>Ривожланиш соҳалариға доир мақсадлар</b>	<b>Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш</b>	Ташки орасталикка риоя этиш одатини тарбиялаш, ўз ўзига хизмат қилиш ва гигиена малакалариға ўргатиш. Мувозанатни сақлашга ўргатиш, ҳаракатлар координациясини ривожлантириш, фазода мўлжал олишни яхшилаш.						
	<b>Ижтимоий-хиссий ривожланиш</b>	Тенгдошлари билан хиссий мулокот шароитида ўз тажрибаларини қўллашга,, турли фаолият давомида ижодкорликни намоён этишга ўргатиш.						
	<b>Нутқ, мулокот, ўқишиша ёзув малакалари</b>	Грамматик хатоликларга нисбатан қатъий муносабатни, нутқнинг софлиги ва тўғрилигига бўлган интилишни тарбиялаш тарбиялаш.						
	<b>Билишни ривожлантириш</b>	Болаларнинг устки ва оёқ кийимлар ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Фабрика, ательеда кийимларни тикиш билан боғлиқ меҳнатга доир тасаввурларни шакллантириш						
	<b>Ижодий ривожланиш</b>	Расмда нақш элементларини чизишига ўрганадилар. Мўйқалам учун билан чаққон ва енгил ҳаракатлар қилган холда тўғри, синик, тўлқинсимон чизиқлар, айлана, ярим доира каби чизиқлар чизиш, нуқта қўйиш, мўйқаламни тўғри ушлаш малакасини шакллантириш.						
<b>Ривожланиш маркази</b>		Ўкув-тарбиявий фаолият						
<b>Эркин фаолият</b>	<b>Куриш ва конструкторлаш маркази, математика</b>	душанба		сесданба	чоршанба	пайшанба	жума	Ресурслар, иловалар
	<b>Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш</b>	«Айикча» конструкторлаш.		Кўгиричок учун шифоньер ва комод			Саноқ учун майдада ўйинчоқлар. Саноқ чўплари.	
	<b>Нутқ ва тил</b>	Ателье.			Кийимлар дўкони.		Матолар, кийим деталлари (ёқа, чўнтак, белбоғ, илгак, тугмалар) ва б.	
	<b>Фан ва табиат маркази</b>	«Устки, бош ва оёқ кийимларни тайёрлаш учун матоларни нимадан тайёрлайдилар (ҳайвонлар жуни, пахта, шойи, тери, пат, ипак, тери, самон)			Ўзбек миллий либосларини кўздан кечириш ва тасвираш		Мавзуга оид карточкалар, қўгиричоқлар, миллий либослар	
	<b>Санъат маркази</b>	Декоратив расм. Кийимни чиройли орнамент билан безатиш (қофздан кесилган ўғил болалар кўйлаги, сарафан, кизлар кўйлаги).			«Дўппи» аппликацияси ва ясаш		Бўёқлар, қаламлар, салфеткалар. Рангли қофз, елим, қайчи.	
	<b>Умумий гурух бўлиб ишлаш</b>							

## ОЙ МАВЗУСИ: «ЗУМРАТ ҚИШ»

Гурух	Тайёрлов гурухи _____ (номи)									
Мавзу	«Байрамона Янги йил»									
Давр	ДЕКАБРЬ ўйининг 4 ҳафтаси									
Ривожланиш соҳаларига доир мақсадлар	Жисмоний ривожлантириш ва соглом турмуш тарзини шакллантириш		Турли усуллар билан юриш, тиззани баланд кўтарган ҳолда югуриш, майда ва катта қадамлар билан югуриш, коптокни ерга отиш ва икки қўй билан бир неча мартта тақрор тутиб олиш малакаларини ривожлантиришда давом этиши Тўрт оёқлаб предметлар орасидан емаклаш							
	Ижтимоий-хиссий ривожланиш		Ўз хисларини ифодалашни назорат этишга, ўз хиссий ҳолатини баён этишга ўргатиш.							
	Нутқ, мулоқот, ўқиша ёзув малакалари		Болаларнинг янги йил байрами ҳақидаги билимларини кенгайтириш, болалар луғатини янги сўзлар ва оғзаки иборалар билан бойитиш. Кўрганларига нисбатан бўлган муносабатни ифодалаган ҳолда расмлар асосида ҳикоя қилишга ўргатиш. Нутқнинг грамматик қурилишини ривожлантириш.							
	Билишни ривожлантириш		Болаларда атроф олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш. Болаларни янги йил анъаналари, дунёнинг бошқа мамлакатларида янги йилнинг ишонланиши билан таништириш.							
	Ижодий ривожланиш		Кўшик кўйлаш, рақсга тушиб, расм чизишида фаол иштирок этишга бўлган қизиқишини ва интилишини тарбиялаш. Мусиқий идрокни, таниш асарларни куйига кўра эсда олиб қолиш ва фарқлаш қўнимкамарини ривожлантириш.							
Ривожланиш маркази		Ўкув-тарбиявий фаолият								
Эркин фаолият	Куриш ва конструкторлаш маркази	душанба								
	Сюжетли-ролли ўйинлар маркази ва драммалаштириш	Янги йил арчасини тайёрлаймиз		Янги йил маскаради		Ўйинчоқли арча, костюмлар, ниқоблар				
	Нутқ ва тил	«Расмларни маъносига кўра кўйиб чиқ» дидактик ўйини		«Расмга мос сифатларни танла» дидактик ўйини		Мавзуга доир предметли расмлар ва иллюстрациялар				
	Фан ва табиат маркази	Табиий қорақайрағоч дарахтининг шохи ва гуддасидан ҳосил бўлган гулдастани қўздан кечириш Рассматривание букета из настоящих еловых веток и шишек (ранг, хид, тактиль идрокни текшириш) Тасвир.								
	Санъат маркази	Арчага ўйинчоқ ясаймиз		«Қор бобо ва кор қиз» мавзусида лой иши		«Янги йил» мавзусида расм				
	Умумий гурух бўлиб ишлаш					Бўёқлар, қоғоз, пластилин, стеклар.				

## **ОЙ МАВЗУСИ: «ЗУМРАТ ҚИШ»**

### **1 ҳафта. «Зумрат қиши. Конституция куни»**

Курилиши, конструкторлаш маркази, математика

**Педметларни түғри ва тескари санаш.**

**Геометрик фигуралардан расм ҳосил қилиш**

**Мақсад:** 20 сони ичидә түғри ва 10 сонидан тескари санаиди. Геометрик фигуралардан расм ҳосил қиласы.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** предметларни санаш учун майда предметлар, 20 сонигача бўлган карточкалар, катта, кичкина ва ўрта ҳажмдаги геометрик фигураларнинг тўплами, предметлар тасвирланган карточкалар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Карточкаларни 20 сонигача кўпайиб бориш тартибида таҳлаб чиқиш, овоз чиқариб санаш.
2. Сонли карточкаларга мос микдорда ўйинчоқларни қўйиш;
3. Расмли карточкаларни кўздан кечириш (уича, арча, машина, қайиқча, поезд);
4. Геометрик фигуралардан турли расмларни ҳосил қилиш

**Қўшимча қисм:** тенглик ва тенгизликтини таҳлил қилишни таклиф қилиш «Қанчага кўп? Қанчага кам?»

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Тартиб ва микдор сонларидан тўғри фойдаланиш.
2. Уни ўраб турган оламдаги сон ва рақамларнинг аҳамиятини тушуниш.

Курилиши маркази

**Байрамона уй**

**Мақсад:** қурилиши материалларидан уй қуриш. Болаларда бир бутунни кўриш, қисмларни фарқлаш қобилиятини ривожлантириш (куб, цилиндр, пирамида, конус)

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қурилиш тўплами, лего, расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Мавзуга доир расмларни кўздан кечириш.
2. Болалар билан биргаликда байрамона уйни қуришни режалаштириш.
3. Болалар томонидан уйни қуриш.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи болаларга уйни безаш учун шакли ва услубига кўра тайёр материалларни таклиф қилиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Умумий натижаларга ва бошқа болаларнинг натижаларига қувониш .
2. Зийракликни, фантазияни ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириши

**«Кор қиз» эртагининг драммалаштирилган ўйини.**

**Мақсад:** ўртоқларига “Кор қиз” эртагини мустақил қайта ҳикоя қиласи, драммалаштиришда иштирок этади. Эртак қаҳрамонларининг хиссиётларини тушунади ва сўзлайди. Нутқ ривожланади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** “Қор қиз” эртагининг китоби, эртак қаҳрамонларининг кийимлари, эртакка доиратрибулар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. “Қор қиз” эртагининг китобини кўздан кечириш.
2. Болалар томонидан эртак қаҳрамонларини тақсимлаш.
3. Болалар томонидан эртак эпизодларини танлаш.
4. Эртакни саҳналаштириш.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи болаларга эртакка мусиқий жўрликни таклиф этиши ёки “Қор қиз” бадиий фильмидан лавҳаларни кўришни таклиф этиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Тенгдошлар билан мулоқот қилиш, ўз ҳатти ҳаракатларини бошқа болаларнинг ҳаракатлари билан мувофиқлаштириш.
2. Бадиий адабиётга бўлган қизиқиши тарбиялаш, эртак қаҳрамонларини, уларнинг ҳаракатлари баҳолай билиш кўникмасини шакллантириш.

*Нутқ ва тил.*

**“Қиши” мавзусида тасвирий ҳикоя.**

**Мақсад:** йил фасллари, қиши фасли ва унинг белгилари, қиши ойлари ҳақида тасаввурга эга.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** “Қиши” тасвирланган расм, қишки вактичоғлик, ўйинларга оид расмлар, қишки эртаклар ҳақидаги китоблар.

**Фаолиятнинг бориши:**

5. “Қиши” тасвирини кўздан кечириш
6. Расм сюжетини тасвирлаш, расмга доир саволларга жавоб бериш. Карточкаларга мувофиқ қисқа ҳикоялар тузиш.

**Қўшимча қисм:** Бадиий асар намунаси билан бойитиш. Қиши байрамлар тасвирланган карточкани таклиф этиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** расм, китоб асосида тасвирловчи ҳикояни мустақил тузиш.

*Санъат маркази*

**Аппликация «Ўзбекистон байроғи»**

**Мақсад:** турли материаллардан ясси аппликацияни ижодий бажариш(қоғоз, мато). Ватанга бўлган ифтихор ҳиссини уйғотиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** рангли қоғоз, байроқ рангига мос рангли матолар, елим, қайчи, салфеткалар, қоғоз.

**Фаолиятнинг бориши:**

6. Ўзбекистон байроғини кўздан кечириш (стол варианти).
7. Болалар томонидан ишни бажариш учун материални танлаш;
8. Болаларнинг ижодий фаолияти.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи болаларга Ватан ҳақидаги шеърни айтиб беришни таклиф қилиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:** сарамжон ишлаш, бошқаларга кўмаклашиш.

### Санъат маркази

#### **«Мен қишини нима учун яхши кўраман» мавзусида расм чизиши**

**Мақсад:** бўёқлар, қаламларёрдамида мустақил ижодий расм чизишгабўлган қизиқиши уйғонади. Ўз уйларинии фодалаш учун расм сюжетлариничизади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қоғоз, акварель бўёқлар, рангли қаламлар, салфеткалар, мўйқалам, қиши мавзусига оид карточкалар (пейзаж, вақтичоғлик, байрамлар).

#### **Фаолиятнинг бориши:**

7. Қишига оид расмларни кўздан кечириш.
8. Болалар томонидан расмнинг мазмуни, сюжетини аниқлаш;
9. Болаларнинг ишлари.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи болаларга табиат бурчагини ўз чизган расмлари билан безатиб қўйишини таклиф қилиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:** ўзига бўлган ишончни, ташаббускорликни, болаларнинг ижодий фикрларини қўллаб қувватлаш.

### Санъат маркази

#### **«Биз қишида сайдра» лой иши**

**Мақсад:** лой билан ишлашнинг турли усулларини эгаллайди, инсон шакли ва ҳаракатларини, уларнинг ҳарактерли белгиларини, нисбатини янада аниқ ифодалайди.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** пластилин, салфетка, стеклар, тахтачалар, «Қишки майдонча»

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Болалар ўйинчоқ қўғирчоқчалар қатнашувчи ўйин сюжетларини ўйлаб топадилар, пластилиннинг тегишли рангини танлайдилар.
2. Болаларнинг продуктив фаолияти
3. Болалар “Қишки майдонча”га фигуralарни ўрнатадилар.

**Қўшимча қисм:** тарбиячимайдончада қўшимча ўриндиқ, арғимчоқларни ўрнатишни таклиф қиласди.

**Эътиборга молик жиҳати:** ижодий қобилиятни, бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш.

### Нутқ ва тил маркази

#### **«Қиши ҳақидаги расмни жамла» (пазллар) дидактик ўйини.**

**Мақсад:** фикрни ифодалаш учун энг аниқ сўзни танлай олиш қўникмаси шаклланади. Болаларнинг қиши, қиши белгилари ҳақидаги билимлари бойитилади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қишига оид расмлар – пазллар.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

5. Қиши ҳақидаги шеърни ёдга тушириш ва айтиб бериш.
6. Пазл – расмларни кўздан кечириш ва тақсимлаш.
7. Болалар томонидан пазлдан расм ҳосил қилиш;
8. Қандай расм ҳосил бўлганлиги ҳақида расм асосида қисқа ҳикоя.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи қиши ҳақидаги мақол ва тез айтишларни таклиф қилиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:** мақол ва тез айтишларнинг маъносини тушуниш; бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш, пазл-расмларнинг тўғри жойлаштирилиши.

*Нутқ ва тил маркази*

**«Бу қачон содир бўлади?» дидактик ўйини**

**Мақсад:** инсонлар ҳаёти ва уларни ўраб турган табиат, йил фасллари ўртасида боғлиқлик ўрнатилади. Фаол ва пассив луғуат бойитилади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** йил фасллари мавзусига оидкарточка-расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Болалар расмларни кўздан кечирадилар.
2. Болалар карточкада нима тасвирланганини, ва бу қачон содир бўлишини хикоя қиласдилар.
3. Карточкаларни йил фаслларига кўра таснифлайдилар.

**Қўшимча қисм:** мавзуга оид шеърни айтиб бериш.

**Эътиборга молик жиҳати:** нутқ бўлакларини грамматик жиҳатдан тўғри қўллаш, мураккаб гапларни тузиш.

## ДЕКАБРЬ 2 ҲАФТАСИ. “СОҒЛОМ ТАНДА – СОҒЛОМ АҚЛ”

*Фан ва табиат маркази*

**«Муз парчасини кузатамиз»**

**Мақсад:** кузатишлар асосида умумлашмалар ва хулосалар чиқариш, кор, муз, сувнинг хоссалари ҳақида тасаввурга эга бўлишини ўргатиши.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қиши ва қиши ҳодисалари ҳақидаги расмлар, муз парчалари, муз эришига мўлжалланган идиш

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Қиши ва қиши ҳодисалари ҳақидаги расмларни кўриб чиқиши. Турли шаклдаги муз парчаларининг расмлари.
2. Болаларга музни ушлаб кўришни таклиф этиши ва кузатиш. Музнинг хоссаларини таърифлаш (совуқ, хўл, сирғанчиқ, силлиқ).
3. Муз хона ҳароратидан, кафтларнинг иссиқлигидан эрийди ва сувга айланади.
4. Болалардан сувни идишга қўйишини ва музга айланиши учун музлатгичга қўйишини сўранг.

**Қўшимча қисм:** болаларни табиий ва иқлим ҳодисалари билан боғлиқ хавф-хатарлардан огоҳлантириш, улардан сақланиш, ОБЖ?? га риоя қилишини ўргатиши.

**Эътиборга молик жиҳати:** йил фаслларининг ўзаро боғлиқлигини тушуниш, хулосалар чиқариш.

*Санъат маркази*

**Ясаш: «Биз спорт билан шуғулланамиз»**

**Мақсад:** ясашнинг турли усусларини ўзлаштириш, одам шакли ва харакатини аниқ бера олиш, маълум ғоя асосида сюжетни тузишини ўргатиши.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** Пластилин, тахта, стеклар, салфеткалар, спорт мусобақалари ҳақидаги расмлар

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Спорт мусобақалари тўғрисидаги расмларни кўриб чиқиш.
2. Ким нимани ясашини болалар томонидан танланиши.
3. Болаларнинг ижодий иши.

**Қўшимча қисм:** болаларнинг тайёр ишларидан умумий спорт комплексини ясаш

**Эътиборга молик жиҳати:** ижодий қобилиятни ривожлантириш, спорт билан шуғулланишга қизиқиши ошириш.

*Тил ва нутқ маркази*

**Дидактик ўйин:** «Расмда қайси спорт тури кўрсатилган?»

**Масқад:** расмни тасвирлашда гап тузиш кўникмасини ривожлантириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** спорт турлари, мусобақаларига иллюстрациялар.

Спорватрибуллари (ракетка, копток, кўзойнак, қалпоқча, тўр, қалқон).

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Спорт тўғрисидаги иллюстрацияларни кўриб чиқиш.
2. Иллюстрацияларни тақсимлаш.
3. Болалар бир-бирига расмда қайси спорт тури тасвирланганлигини таърифлайди.
4. Таклиф қилинган спорт атрибулларидан ушбу спорт турига мос келадиганини танлаш, мақсадини тушунтириш.

**Қўшимча қисм:** жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги альбомни томоша қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** бошқа болаларнинг фикрини тинглаш, ўз фикрини ифодалаш.

*Фан ва табиат маркази*

**«Рангли муз ясаймиз»**

**Мақсад:** қор, муз, сувнинг хоссалари ҳақида оддий тушунчаларга эга бўлиш.

Топшириқни бажаришга ижодий ёндашиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** муз, муз эришига мўлжалланган идиш, бўёқлар, музлатиш учун шакллар, рангли муздан ҳосил қилинадиган ҳайкаллар ҳақидаги слайдлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Муз парчаларини ушлаб кўриш, улар билан ўйнаш, муз хоссаларини эслаб кўришни таклиф қилиш.
2. Турли шакллардаги рангли муз ясашни таклиф қилиш.
3. Умумий патнисда рангли муз парчаларидан нақшлар ясаш.
4. Нақшнинг эриши, бўёқларнинг аралашиб кетиши жараёнини кузатиш.

**Қўшимча қисм:** болаларга муздан ясалган ҳайкалларни томоша қилишни таклиф этиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** тушунтириш ва ўтган тажрибани умумлаштириш, табиат ва табиат ҳодисаларини севиш ва улардан ҳайратланиш.

### Қуриш ва ясаши маркази

#### **«Спорт ҳақидаги расмни йигиб чик» (пазллар)**

**Мақсад:** қўлларнинг моторикасини ривожлантириш, эътиборни жамлаш, спортнинг турли шакллари ҳақидаги билимларни ўзлаштириш, спортга қизиқиш ва спорт билан шуғулланиш истагини қўллаб-қувватлаш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** спортга оид расмларнинг пазллари, турли спорт шакллари ҳақидаги расмлар

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Турли спорт шакллари ҳақидаги расмли карточкаларни томоша қилиш.
2. Болалар пазлларни йигади.
3. Болалар расми ҳосил бўлган спорт турининг номини айтади.

**Қўшимча қисм:** болалар яна қандай спорт турларини билишини айтиб беради.

**Эътиборга молик жиҳати:** сўзларни тўғри танлаш ва ўз фикрини ифодалаш учун гап тузиш.

### Санъат маркази

#### **Расм чизиш «Менга қайси спорт тури ёқади»**

**Мақсад:** бадиий ифодалашга қизиқишни ошириш, сюжетнинг асосий алломатлари, нисбатлар ва рангларни ифодалайди. Спорт турлари ҳақидаги билимларни бойитади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қоғоз, акварель бўёқ, қаламлар, салфеткалар, спортнинг турли шакллари, мусобақалар ҳақидаги расмлар.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. Мавзули расмларни тамоша қилиш.
2. Болалар ўзларига қайси спорт тури ёқишини айтишади ва мустақил равища да ўз расмининг сюжетини танлайди.
3. Болаларнинг унумли фаолияти.

**Қўшимча қисм:** болаларнинг расмларидан “Соғлом танда – соғ ақл” кўргазмасини ташкил қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** расм чизиш давомида ўз ғояларини ифодаланишига эришиш.

### Тил ва нутқ маркази

#### **“Қайси сўз тўғри келмайди?” мавзусидаги дидактик ўйин**

**Мақсад:** барча товушларни тўғри талаффуз қилиш, сўзнинг мазмуни бўйича ишни давом эттиради.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** «Спорт», «Қишлоғ», «Мактаб», «Янги йил» мавзуларидаги расмлар туркуми, турли буюмларнинг расмлари.

#### **Фаолиятнинг бориши:**

1. «Спорт», «Қишлоғ», «Мактаб», «Янги йил» мавзули расмларини томоша қилиш.
2. Карточкаларни болалар ўртасида тақсимлаш.
3. Болалар мавзуга оид карточкани танлайди ва «Нима учун тўғри келишини» тушунтиради.

**Қўшимча қисм:** нима учун бошқа расмлар тўғри келмаслигини тушунтириш.

**Эътиборга молик жиҳати:** нутқнинг аниқлигига эришиш.

### **З ҲАФТА. «КИЙИМ ВА ПОЙАФЗАЛ».**

*Қурии ва ясаш маркази*

**Мавзу:** «Қоғоз ва картондан ясалган айиқча»

**Мақсад:** қоғоз ва картондан шаклларни конструкциялашни ўрганиш

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** гофрировка қилинган картон, қайчи, тутмалар, тасма, қоғоз, таёқча, иш намунаси ва чизмаси

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Тайёр «Айиқча» намунасини кўриб чиқиш.

2. Ишни босқичма босқич бажариш чизмасини кўриб чиқиш.

3. Иш босқичлари: шаблон асосида айиқнинг барча қисмларини кесиб чиқамиз.

Айиқнинг барча қисмларини бўяймиз.

Танасида ва қўлларида тешниклар ясаймиз, ва қўлларидан бошқа барча қисмларини ёпиштириб чиқамиз.

Тутмалар ёрдамида қўл-оёқларини танасига маҳкамлаймиз.

**Қўшимча қисм:** «Уч айиқча» эртаги учун Қўшимча қисм айиқчаларни ясашни таклиф этиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ижодий конструкциялашга қизиқишини ошириш, бажарилган ишдан қониқиши ҳосил қилиш.

*Сюжетли-ролли ўйин ва драма маркази*

**«Ателье»**

**Мақсад:** ательеда кийим тикиш бўйича меҳнатнинг мазмуни ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** мато, болалар тикув машинкаси, ўйинчоқлар: дазмол, дазмоллаш тахтаси, кийим, кийим деталлари (ёқа, чўнтақ, тутмалар, ёпишқоқ тасма, камар), илгаклар, «Ателье» карточкалари ёки расмлари

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Ателье мавзуси бўйича расмларни ёки карточкаларни томоша қилиш.

2. Ателье ускуналари, у ердаги вазият билан танишиш.

3. Ролларни тақсимлаш, ўйин қоидаларини белгилаш. Модали коллекцияни яратиш (зарур ҳолатларда тарбиячи йўналтиради ва тузатишлар киритади).

4. Ўйин жараёнида роллар билан алмашиш мумкин.

**Қўшимча қисм:** модалар намойиши

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларнинг турли касблар ва жамият ҳаётида инсон меҳнат фаолиятининг аҳамияти ҳақидаги тасаввурини бойитиш.

*Тил ва нутқ маркази*

**«Кийимларни уларни қўллаш мақсади бўйича таснифлаш»**

**Мақсад:** луғатини бойитади, кийим ва пойафзал ҳақидаги тасавурини кенгайтиради, кийим, пойабзални фарқлашга ва улардан фойдаланишга ўргатади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** мавсумий кийимлар (теппак, қулоқчин, панама) , пойабзалларнинг (туфли, этик ва б.) расмлари-карточкалари.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Расм-карточкаларни томоша қилиш.
2. Кийим, пойабзал ва бош кийимини мавсумга кўра таснифлаш. Номини тўғри айтиш.
3. Кийимни мақсадига кўра танлаш (байрам либоси, иш кийими, уй кийими, маҳсус кийим (врачлар, қурувчиликарники).

**Қўшимча қисм:** тарбиячи болаларга қиз бола ва ўғил боланинг магнит ўйинчогини , уларнинг кийимларини таклиф этиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:** марказда ўйнаш давомида ўйнаб, ўз ортидан юнифиштишишга ўргатиш.

*Фан ва табиат маркази*

**«Кийим-кечак, бош кийим, пойабзал ясаладиган матолар нимадан тайёрланади».**

**Мақсад:** мато, терининг келиб чиқиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, матоларни сифатига кўра ажратади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** пахта, жун, мўйна, тери, шойи, похол, пат намуналари. Кийимлар, бош кийимлари расм-карточкалари, қўғирчоқлар кийимлари, пойабзаллар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Кийимлар, пойабзал, бош кийими расмларини кўриб чиқиш.
2. Пахта, жун, мўйна, тери, шойи, похол, пат намуналарини ўрганиб чиқиш.
3. Ушбу намуналарнинг келиб чиқишини аниқлаш: пахта, бўз – ўстирилади, тери, мўйна – ҳайвонларнинг терисидан қилинади.
4. Расмли материаллар намуналарини тақсимлаш.
5. Кийим, бош кийими, пойабзал қандай материалдан қилинади.

**Қўшимча қисм:** пиллачилик, пилла қурти тўғрисидаги слайдларни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** тенгдошларни дикқат билан тинглаш, ўз Қўшимча қисмларини киритиш.

*Санъат маркази*

**Декоратив расм чизиш «Кийимни чиройли нақш билан безаш»**

**Мақсад:** рангли қаламлар билан расм чизиш ва тасвирни бўяш қўнимасини ҳосил қилиш, композиция туйғусини ривожлантириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** рангли қаламлар, салфеткалар, қофоздан ясалган кўйлак, рўмол, сарафан.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Кийимлар кўргазмасини томоша қилиш: кўйлак, рўмол, сарафанлар.
2. Кийимлар қандай безалганлигига эътибор қаратиш (гуллар, нақшлар, геометрик шакллар билан).
3. Болаларнинг ижодий иши.

**Қўшимча қисм:** ишни аппликация билан тўлдириш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларнинг мустақил ижодини ривожлантириш.

*Курии ва ясаш маркази*

**«Шифоньер ва қўғирчоқ учун комод»**

**Мақсад:** турли материаллар, ҳар хил ўлчамли қутилардан конструкциялар ясашга қизиқиши ошириш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** ҳар хил ўлчамли қутилар, картон, елим, салфеткалар, рангли қофоз, бўёқлар, мебеллар, шифоньерлар расмлари, конструкциялашни босқичма босқич бажаришга оид карточкалар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Мебеллар, шифоньерлар расмларини томоша қилиш.
2. Материалларни ўрганиш. Ишни режалаштириш.
3. Болаларнинг самарали фаолияти.
4. Шифоньер, комодни бўяш ва безаш.

**Қўшимча қисм:** қўғирчоқлар кийимини шифоньер, комодга тахлаб қўйишни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** жамоа бўлиб ишлаш, ўз хатти-ҳаракатларини дўстлари билан келишиш.

*Сюжетли-ролли ўйин ва драма маркази*

**«Кийим дўкони»**

**Мақсад:** турли мавсумда кийиладиган (қишки, ёзги) ва мақсадига кўра кийиладиган кийимлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** илгак-витринадар, турли болалар кийими, касса, счет, чеклар, калькулятор, пакетлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. “Дўкон” расмини томоша қилиш.
2. Дўкон атрибулари билан танишиш.
3. Илгак-витринадаги кийимларни мавсумига кўра, мақсадига кўра тахлаб чиқиши таклиф қилиш.
4. Ролларни тақсимлаш, ўйин қоидаларини белгилаш (сотувчи, харидор, маслаҳатчи, ёрдамчилар, кассир).
5. «Кийим дўкони» ўйини.

**Қўшимча қисм:** Янги йил байрами учун кийимлар коллекциясини яратишни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** одамларнинг касбига ҳурмат туйғусини тарбиялаш, ўйин пайтида болаларнинг ижодий мустақиллигини қўллаб-куватлаш.

*Санъат маркази*

**Конструкциялаш, “Дўппи” аппликацияси.**

**Мақсад:** қофоз билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, кесиб чиқиш усулларидан фойдаланиш, дўппида нақшларни чиройли жойлаштиришни ўргатиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қоғоз, елим, салфеткалар, рангли қоғоз, дўппининг тайёр намунаси, конструкциялаш босқичларига оид карточкалар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Ҳақиқий дўппи ва тайёр намунани кўриб чиқиш.
2. Қоғоздан дўппи ясашни конструкциялаш босқичи билан танишиш.
3. Нақшни кесиб чиқиш усувлари билан танишиш.
4. Дўппи ясаш.
5. Болаларнинг ижодий иши, дўппини безаш.

**Қўшимча қисм:** Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига хос дўппиларни томоша қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** қайчи билан тўғри ишлаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, қўлнинг майдага мотирикасини ривожлантириш.

*Тил ва нутқ маркази*

**Ўзбек миллий либосни кўриб чиқиш ва таърифлаш.**

**Мақсад:** миллий ўзбек либоси ҳақида тушунчани шакллантириш;(дўппи, чопон, атлас, адрес, беқасам).

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қўғирчоқлар учун миллий ўзбек либоси, қиз бола қўғирчоқ, ўғил бола қўғирчоқ, сандик, мавзуга оид карточкалар, миллий ўзбек либосига иллюстрациялар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Миллий ўзбек либоси намойиши иллюстрациясини томоша қилиш.
2. Сандинк ичида гиларни кўриб чиқиш (чопон, атлас қўйлак, миллий рўмол, салла, беқасам, адресдан камзул, дўппи, яхак).
3. Қиз бола учун кийим, ўғил бола учун кийимни таснифлаш.
4. Болалар қиз бола ва ўғил бола қўғирчоқни ясантиради.
5. Ўзбек миллий мусиқасини тинглаш, қўғирчоқлар билан ўйнаш.

**Қўшимча қисм:** Болаларнинг қайси пайтларда миллий либос кийиши ҳақидаги ҳикоялари.

**Эътиборга молик жиҳати:** миллий анъаналарга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

## 4 ҲАФТА «ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ»

*Куриши ва ясаш маркази*

**«Катта ва майда арчаларни конструкциялаймиз»**

**Мақсад:** конструкция яратиш кўникмаси, тассвурга эга бўлишни ривожлантириш, конструктив ва ўйинга оид жамоавий фаолиятга ўрганиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қурилиш материали, модуллар, лего, қурилиш тўплами, турли арчалар тасвирланган расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Болалар томонидан конструкциялаш учун материаллар танлаш.
3. Болаларнинг самарали иши.

4. Болалар арчаларни таққослайди.
5. Тушунтириш: нима учун арча катта? Нима учун арча кичкина?

6. Ишни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** болаларга арчани безашни тақлиф қилиш (рангли қофозлар, майда арча ўйинчоқлари, майда ўйинчоқлар).

**Эътиборга молик жиҳати:** ижодий қобилиятларни ривожлантириш, мустақилликка ўргатиш.

*Сюжетли-ролли ўйин ва драма маркази*

**«Янги йил арчасини тайёрлаймиз»**

**Мақсад:** Янги йил байрами ҳакида тасаввур ҳосил қилиш, диққат, нутқ, майда моторикани, ижодий қобилиятни ривожлантириш, луғат бойлиги фаоллаштириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** сунъий арча, арча ўйинчоқлари солинган қути, турли материаллар солинган қути (тасмалар, рангли қофоз, фантиклар фольга).

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Сунъий арча ва ўйинчоқли қутини томоша қилиш.
2. Болалар арчани безаш учун буюмларни танлайди.
3. Болалар арчани безайди.

**Қўшимча қисм:** арча атрофида қўл ушлашиб айланиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** жамоа бўлиб ҳаракатланишни, умумий натижага эришишни тарбиялаш.

*Тил ва нутқ маркази*

**«Расмларни мазмунига кўра қўйиб чиқ»**

**Мақсад:** суҳбатлашишга оид нутқи ривожлантириш, буюмларнинг аломатларига асосланиб, мазмунли линияларни яратади олишга ўргатиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** сюжетли расмлар, расм сюжети бўйича турли буюмлар тасвирланган карточкалар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Сюжетли расмларни томоша қилиш.
2. Мазмунига кўра расм сюжетига мос бўлган карточкаларни танлаш.
3. Карточкаларни алмаштириш, 3 тадан карточка олиш.
4. Расмда тасвирланган сўзлардан фойдаланиб, гап тузиш.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи болаларга жамоа бўлиб, 3-5 карточка асосида ҳикоя ёки эртак тузишни тақлиф қилиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:** кўргазмали-образли ва мантиқий тафаккурни ривожлантириш.

*Санъат маркази*

**«Қоғоздан Янги йил арчасини ясаш»**

**Мақсад:** буюмни (арчани) шаклини кесиб чиқиш ва тузишни машқ қилиш, қўллар моторикасини ривожлантириш, тасаввурдан фойдаланиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** яшил рангли қоғозлар, таянч учун қалин қоғоз, елим, қайчи, салфеткалар, тайёр намуна, иш босқичлари кўрсатилган харита.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Арчанинг тайёр намунасини томоша қилиш.
2. Иш босқичлари билан танишиш.
3. Болаларнинг ишлари.

**Қўшимча қисм:** болаларга арчани қор учқунлари ва ялтироқ қоғозлар билан безашни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** турли материаллардан ўйинчоқ ясашга ўргатиш; марказда ўз ортидан йиғиштиришни ўргатиш.

*Саънат маркази*

**Лой машғулоти «Корбобо ва қорқиз»**

**Мақсад:** Бир бўлак лойдан одам тана аъзоларини тўғри ясашмалакаларни шакллантириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** пластилин, маҳсус пичноқча, таглик, «Корбобо ва қорқиз» расми акс эттирилган расм ёки ҳайкал, тайёр намуна, иш жараёни намоён этилган карточкалар .

**Фаолиятни бориши :**

1. Болалар корбобо ва қорқиз акс эттирилган расм ёки ҳайкални томоша қиласди ва қўли билан ушлаб кўради. .
2. Иш жараёнини кетма-кетлиги билан танишиш.
3. Болаларнинг ижодий фаолияти.

**Қўшимча қисм:** болалар ишини кўргазмаси.

**Эътиборга молик жиҳати:** Ясаган ишларинитагликга тўғри ўрнатиш малакаларини, иш жойларини тартибга келтиришларини кузатиш

*Саънат маркази*

**Расм «Янги йил»**

**Мақсад:** байрам тассуротларини расмда акс эттириш малакалари, қоғоз марказига тўғри жойлаштириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қоғоз, акварель бўёқ, гуаш, салфетка, оддий қалам, Янги йил тасвирланган расмлар.

**Фаолиятини бориши Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар Янги йил тасвирланган расмни кўради.
2. Болалар мустақил ўзларини ишлари учун сюжет танлайди.
3. Болаларнинг ижодий фаолияти.

**Қўшимча қисм:** Болалар ўзлари танлаган сюжетни тарифлайди.

**Эътиборга молик жиҳати:** Ўзлари танлаб олган расмни қизик томонларини таҳлил қилиш ва уни тушунтириш.

## ЯНВАРЬ

### ОЙ МАВЗУСИ: «БОЛАЛАР БОҒЧАСИ»

гурух	Тайёрлов гурухи _____ (номи)				
Мавзу	«ҚИШКИ ЎЙИН КУЛГИЛАР»				
Даврийлик	1 хафта ЯНВАРЬ				
Соҳа мақсади	Жисмоний ривожланиш васоғлом турмуш тарзи	Сафда бир қатор бўлиб юриш малакаларини мустаҳкамлаш, сигналга қараб сафда жуфт, тўрттадан юриш, доира бўлиб туриш.			
	Ижтимоий-хиссий ривожланиш	Юқлатилган мажбуриятларни қабул қилиш ва фаолликни ошириш.			
	Нутқ, мулокот, ёзув ва ўқишиш малакалари	Гап бўлакларини эркин ва грамматик жиҳатдан тўгри кўллашга ўргатиш. Берилган сўзларга мос синоним ва антонимларни топа олишга ўргатиш.			
	Билишни ривожлантириш	Атроф-олам ҳақидаги маълумотларни мустақил излашга ўргатиш. Йил фасллари ва ойларни кетмакетликда номлашга ўргатиш.			
	Ижодий ривожланиш	Ҳаётдаги ижтимоий ҳодисаларни ифодалашнинг турли воситаларини қўллаган ҳолда тасвирий ижодда акс эттириш (шакл, колорит, композиция).			
Ривожланиш марказлари		Ўқув-тарбиявий фаолият			
		душанба	Сешанба	чоршанба	пайшанба
Эркин фаолият	Қуриш ва ясаш маркази, математика	Қишки қаъла		Қўғирчоқ ва айиқча учун қишки майдонча	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш маркази	«12 ой» эртагининг сахналаштириш		Қишки олимпия ўйинлари.	
	Нутқва тил	«Қиши» тасвиrlанган расм асосидаги хикоя		«Қиши» С.Я.Маршак	
	Фан ва табиат маркази	Қор ва муз билан тажрибалар		«Қишки ўйинлар» дидактик ўйини	
	Санъат маркази	«Сехрли қиши» расмлар танлови		Жамоавий апликация «Қишки олимпия ўйинлари».	
	Катта гурӯхларда ишлаш				

## Ой мавзуси: «Болалар боғчаси»

гурух	Тайёрлов гурухи _____ (номи)					
Мавзу	«Ватан химоячилари куни»					
Даврийлик	2 хафта ЯНВАРЬ					
Ривожланиш соҳаларининг мақсадлар	Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Жисмоний сифатларни, чаққонликни, эпчилликни, реакциянинг тезкорлигини ривожлантириш				
	Ижтимоий-хиссийривожланиш	Болаларда ўзларининг салбий ҳислатларини ушлаб қолиш кўникмасини ривожлантириш. Мактабгача ёшдаги болаларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш.				
	Нутқ, мулоқот, ўқиши ва ёзиши малакалари	Қувноқ байранома мухитни яратиш, ўз армияси билан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш. Болаларда ўзбек армияси, “Ватан химоячилари куни” байрами ҳақида тасаввурни шакллантириш.				
	Билишни ривожлантириш	Болаларни ҳарбий кийим ва ҳарбий унвони билан таништириш				
	Ижодий ривожланиш	Мусиқий асар турларини (марш, полька, вальс) эшитиш орқали фарқлаш тасаввурни ривожлантириш				
Ривожланиш марказлари		Ўқув-тарбиявийфаолият				
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Куриш ва ясаш маркази, математика	Самолёт ясаш		Ҳарбий машинани ясаш		Конструктор, мозаикалар, кубиклар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш маркази	Ҳарбий моряклар		«Чегарачи» С/Р		Китоблар, АКТ
	Нутқ ва тил	Бизнинг армия		Картинки «Ҳарбий кийим ва фарқланиш белгилари»		«Ғалаба куни» мавзусига оид расмлар
	Фан ва табиат маркази	Кўринмас - ҳаво. Шамол		Биз ва табиат		Туваклар, хонаки гуллар
	Санъат маркази	«Бизнинг жонажон армия» мавзусида расм чизиш		«Ватанга душман кўрқичли эмас» лой иши	Аппликация «табрик открытки» аппликацияси	Бўёқлар, қайчи, қоғоз, пластилин.
	Катта гурухлардаги ишланиш					

## ОЙ МАВЗУСИ: «БОЛАЛАР БОҒЧАСИ»

гурух	Тайёрлов гурухи _____ (номи)							
Мавзу	«Мен ва менинг танам»							
Даврийл ик	3 хафта ЯНВАРЬ							
Ривожланини соҳаларига кўра максадлар	Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Жисмоний машқлар орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Тоза ҳавода ҳаракатли қиши үйинларни ўтказиш. Болаларда ўз соғлиги ҳақида қайгуриш ҳиссини тарбиялаш.						
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш ҳақидаги тасаввурларни мустахкамлаш. Бақувват ва соғлом бўлиб ўсиш истагини тарбиялаш.						
	Нутқ, мулокот, ўқиши ва ёзиш малакалари	Болаларда инсон кўриниши ҳақидаги тасаввурларни мустахкамлаш (мимика, жестлар, танасининг тугри тутилиши юриш, нутқ, кийиниши). Болаларни ўзларининг оғзаки тасвирларини тузишга ўргатиш: юзини, соч турмагини, кайфиятини тасвирлаш.						
	Билишини ривожлантириш	Болаларда инсон тана қисмлари ва ички органлар тузилишининг ўзига хослиги ҳақидаги билимларини мустахкамлаш ва кенгайтириш (юрак, ўпка, мия). Тана қисмларининг фойдаси ҳақидаги тасаввурлар (қўллар, оёқлар, бурун, оғиз ва б.)						
	Ижодий ривожланиш	Ижодий фаолият орқали ҳиссий ривожлантириш. Сезги органлари ёрдамида ижод қилиш (мусиқани тинглаш билан биргаликда чизамиш ва лойдан ясаймиз).						
Ривожланиш марказлари		Ўқув-тарбиявийфаолият						
Эркин фаолият	Куриш ва ясаш маркази, математика	«Бир катақ, икки катақ хосил бўлдик сен ва мен”	душанба	сешанба	чоршанба	пайшанба	жума	Ресурслар, изоҳ
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш маркази	Оилавий шифохона					Сюжетли ўйинлар жамланмаси	
	Нутқ ва тил	Валеология «Ёқимли иштаха»		Саломатликни излаш йўлида			Мавзуга оид предметли расмлар ва иллюстрациялар	
	Табиат маркази	Соғлом овқатланиш – саломатлик гарови			Сезги органлари		Лото, пазллар	
	Ижод маркази	Рисования «Менинг оиласи» расмини чизиш	«Ҳайвонлар учун совға» (маймун, фил учун) лой иши	«Қувноқ масқараабоз» апликацияси			Бўёклар, мўйқалам, қофоза, пластилин, кайчи.	
	Катта гурӯхларда ишлаш							

## ОЙ МАВЗУСИ «БОЛАЛАР БОҒЧАСИ»

<b>Гурух</b>	Тайёрлов гурух _____ (номи)								
<b>Мавзу</b>	<b>«МУЛОЙИМЛИК АЛИФБОСИ»</b>								
<b>Даврийлик</b>	<b>4 хафта ЯНВАРЬ</b>								
<b>Ривожланиш соҳалари бўйича мақсад</b>	<b>Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш</b>	Болаларда теварак-атрофга бўлган ахлокий сифатларни шакллантириш.							
	<b>Ижтимоий-хиссий ривожлантириш</b>	Жамоада болаларни шу жамоа аъзоси каби шахсий сифатларни шакллантириш. Гурухда болалар ўртасидаги дўстона муносабатларни шакллантириш, жамоада жиписликни таъминлаш. Болаларда ўзини ва ўзгаларга бўлган эмоционал хиссий ҳолатларини кўрсата олиш.							
	<b>Нутқ, мулокот, ўқиши ва ёзиши малакалари</b>	Тарбияланувчиларни маданий гигиеник билимларини мустаҳкамлаш, ўзаро мулокатга кириша олиши. Мулоимлик ва саховатлилик сифатларни тарбиялаш.							
	<b>Билишини ривожлантириш</b>	Кундалик ҳаётда маданий гигиеник кўнникмаларни мустаҳкамлаш. Стол атрофидаги этикет.							
	<b>Ижодий ривожланиш</b>	Болаларда мусиқа асарларини тинглаш ва суратли расмларини кўриш орқали бадиий эстетик дидларини ўстириш.							
<b>Мустакил фаолият маркази</b>	<b>Таълим-тарбиявий фаолият</b>								
	Душанба Сешанба Чоршанба Пайшанба Жума Ресурслар, изоҳ								
	<b>Қуриш-ясаш ва математика Маркази</b>	Қоғоздан қуриш-ясаш ”Яхши сўзлардан елпигич”		“Дўйстларимиз учун уй қурамиз”					
	<b>Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази.</b>	Саҳналаштириш “Икки қизганчиқ айиқчалар “		С/Р «Автобусда саёҳат»					
	<b>Нутқ ва тил</b>	«Нима яхши-ю, нима ёмон»		Суратлар “Яхши одатлар”					
	<b>Фан ва табиат маркази</b>	Күшларни парваришлаймиз		Ўйин «яхши одатларни бўлиш»					
	<b>Саънат маркази</b>	Расм “яхши одатлар дараҳти”	Лой «Чойга таклиф қиласиз»	Аппликация « Дўйстлар учун табрик откирикаси»	Бўёқ, мўйқалам, қофоз, пластилин, тахтача, пластилин пичоқчаси				
	<b>Катта гурухда ишлаш</b>								

## ОЙ МАВЗУСИ: «БОЛАЛАР БОҒЧАСИ»

### 1 хафта ЯНВАРЬ

**Мавзу:** «Қишки ўйин кулгулар»

Куриши-ясаш, математика маркази

«Қишки қаъла»

**Мақсад:** расм, схема, ихтиёрий фикрлаш асосида қуриш, шакл ва катталикларни номини айтиш, рақамларни санашиб билади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** кубиклар, геометрик шакллар, тахтали ва пластмассали конструкторлар; табиат материали; декоратив жиҳозлар тўплами, суратлар, фота расмлар.

**Фаолиятнинг бориши:**

1. Қаъла расми тасвирланган сурат ва фото расмларни кўриш..
2. Қаъла расмини чизишни режалаштириш.
3. Қуриш ясаш.
4. Қаълани таърифлаш.

**Қўшимча қисм:** Қаълага ном бериш. Қаъла сурати фонида болаларни расмга тушуриш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ижодий тасвирлашни ривожлантиришжамоа ишида вазифаларни бўлиб олиш малакаларини ўстириш.

Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази

**Эртак асосида драмалаштирилган ўйин**

«Ўн икки ой»

**Мақсад:** «Ўн икки ой» эртаги асосида саҳналаштирилган ўйинини, қаҳрамонларнинг феъл-авторини тушуниш, композициянинг асосий хусусиятларини илғаб олиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** ўн икки ойнинг ўзига хос бўлган кийими; сунъий арчалар; ўрмонни акс эттирувчи йўлаклар ва очик майдон, гулхан (болаларбоп); эртак мазмуни акс этган суратлар; саватча ва бойчечак.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Эртак асосидаги суратлар мазмуни билан таништириш. Неча ой ва уларнинг номларини сўраш.

2. Драмалаштирилган ўйин учун сюжет танлаш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Эртак драмасининг таҳлил қилиш.

**Қўшимча қисм:** «Ўн икки ой» мультфилмини кўрсатиши.

**Эътиборга молик жиҳати:** Ўйин орқали эзгулик ва ёмонликни, дўстона муносабатлар, ҳамкорликни тушуниш.

Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази

**Драмалаштирилган ўйин. «Қишки олимпиада ўйинлари»**

**Мақсад:** замонавий олимпиядада ўйинлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш, умуминсоний маданиятнинг бир қисми сифатида эканлигини билиш, ҳар хил спорт турларига қизиқиш ўйғотиши.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қишки олимпиада ўйинларига хос бўлган жиҳозлар, спорт кийимлари (бош ҳимоя кийими ва ҳ.к.) Ўзбекистон ва олимпиада байроқлари, мавзуга мос бўлган суратлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар спорт кийимларини кийиб икки гурухга бўлинадилар.
2. Болалар «Чанғида (лыжи) пойга». ўйинини ўйнайдилар. Болалар чанғида юргандек (тақлидчан) ҳаракатланадилар.
3. Биатлон<sup>1</sup> ўйини. Чанғида ҳаракатлангандек (тақлидчан) белгиланган масофагача югурадилар, тўпни нишонга улоқтиради.
4. **Қўшимча қисм:** спорт мавзусига оид суратларни томоша қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болалар орасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, бир-бирини қўллаб қувватлашни тарбиялаш, соғлом ҳаёт тарзини сингдириш, болаларни жисмонан қучли, эпчил ва чақон бўлишларига қўмаклашиш.

*Тил ва нутқ маркази*

“Қиши” сурати асосида ҳикоя қилиш

**Мақсад:** нутқда барча келишикларни қўллайди, таянч сўзлар ва расмлар асосида қисқа ҳикоя қиласди.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қиши табиати акс этган сурат. Мазмунли суратлар: ўғил бола ва қиз бола қиши кийимида, чанғи, чана, конъки (муз устида учиш учун мўлжалланган чанғи) ва қородам.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Ўйин: «Белгиларини танла!»

Қиши қандай? – совук, қаҳратон, бўронли.

Қор қандай? – оппоқ, юмшоқ, момиққина, кумуш ва ҳ.к.

2. Ўйин «Фаолиятни танла»

Қор нима қиласди? – ёғади, айланади, учқунлайди, қоплайди, ғирчиллайди, ялтирайди, эрийди.

Шамол нима қиласди? – елади, эсади, хуштак чалади, увиллайди.

3. “Қиши” табиати акс этган суратни кўриш.

4. Мазмунли сурат асосида гаплар тузиш. «Қиши» ҳақида қисқа ҳикоя тузиш.

**Қўшимча қисм:** буюм-ҳодисага оид белгиларни машқ қилдириш. Болаларни киришимлигини ва дўстона ҳамкорликни тарбиялаш.

**Эътиборга молик жиҳати:** сўзларни ва охирги бўғинларни, тўғри талаффуз қилиш, таянч сўзлар асосида гап тузиш.

*Тил ва нутқ маркази*

**Қиши ҳақида асар**

**Мақсад:** шеърни ёддан мазмунли ўқиши, шеърни муаллифини билиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қиши ҳақидаги сурат ва китоблар

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар қиши ҳақида ёзилган асарларни кўриб чиқадилар.

<sup>1</sup>Тоғ чанғисида учиш бўйича қисқа ва узоқ масофага кўра ўтказиладиган спорт тури.

2. Китобнинг муқовасидан муаллифни, китобнинг номини ўқий оладилар.

3. Тарбиячи ёрдамида қиши ҳақидаги шеърни ёд олиш.

**Қўшимча қисм:** болалар билан ёзувчи ва шоирлар ҳақида сұхбатлашиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** шеърий асарларга ижобий муносабат билдиради.

#### Илм-фан ва табиат маркази

«Муз ва қор билан тажриба»

**Мақсад:** қор ва музнинг физик хусусиятларини билади, билишга оид масаллаларни ечади ва хуносалар чиқаради.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** иккита стакан,(бири қор, иккинчиси муз билан тўлдирилган), қор ва муз акс этган суратлар, рангли қофозлар (кул ранг, оқ ва қўқ ранглари), қиши ажойиботлари акс этган суратлар, бўёқ ва мўйқалам.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар қор ва муз ҳақида топишмоқлар ўқийдилар.

2. Қор ва муз билан тўлдирилган стаканларни томоша қиласидилар.

3. Ранги ва шаффоғлигини аниқлайдилар.

4. Пайпаслаб кўриб қаттиқ ва нозиклигини аниқлайдилар.

5. Ҳароратни таъсирини аниқлайдилар.

**Қўшимча қисм:** сайдир вақтида корда таёқча билан расм чизишни таклиф қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларни билиш фаолиятини ривожлантириш.

#### Илм-фан ва табиат маркази

**Таълимий ўйин «Қишки ўйинлар»**

**Мақсад:** спортнинг қишки турлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, спорт жиҳозларининг аҳамиятини билиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** спортнинг қишки турлари ва спорт жиҳозлари акс этган белгили йирик (топишмоқли) ва кесма карточкалар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болаларга кесма карточкалар таклиф этилади. Қишки спорт тури акс этган карточкани тўғри тузиш.

2. Болаларга қишки спорт тури акс этган карточкалар таклиф этилади. Бола ушбу спорт турига мувоғиқ бўлган спорт жиҳози акс этган карточкани танлайди.

3. Болалар спорт турлари акс этган карточкаларни оладилар ва унда қандай спорт тури акс этганлигини сўзсиз кўрсатиб берадилар.

**Қўшимча қисм:** болалар билан қиши ва унинг ажойиботлари, қишки спорт турлари ҳақида сұхбатлашиш, шу мазмундаги иллюстратив суратларни кўриш.

**Эътиборга молик жиҳати:** фикрлашни, дикқатни, ва ҳаракат фаолиятини ривожлантириш, соғлом ҳаёт тарзига қизиқиши уйғотиши.

#### Санъат маркази

**«Сехрли қиши» мввзусида болалар чизган суратлар кўрик-танлови**

**Мақсад:** суратнинг мазмунини қофозга тушириш, қофоз фонини ҳамда мазмунни уйғунлаштирувчи бўёқларни танлаш, қофозга суратни жойлаштириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қофоз, бўёқ ва мўйқалам.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Қоғоз фонини танлаш.
2. Сурат мазмунини ўйлаб топиш.
3. Расм чизиш.
4. Болалар ишларининг кўргазмаси.

**Қўшимча қисм:** тасвирий санъатнинг турларини ажратиши,

**Эътиборга молик жиҳати:** композицияни яратиши.

*Санъат маркази*

**Лой иши «Қордан байрам торти»**

**Мақсад:** буюнга хос бўлган белгиларни бериш, қисмларнинг катталигига (ҳажмига) аҳамият бериш, қордан торт ясаш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** металл тоғорача, ўйинчоқ идишлар, қум учун идишлар жамланмаси, қор, йирик мунчоқлар, ярим тухумсимон пластмасса идишлар, бўёқлар ва мўйқалам.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Металл тоғорача ёрдамида тортнинг асоси учун кичик кулча ясаш.
2. Ярим тухумсимон пластмасса идишларни қор билан тўлдирилади ва тортнинг асосий қисмига доира бўйлаб (безе) жойлаштирилади.
3. Тортни рангли бўёқ билан бўяш.
4. Тортни мунчоқлар билан безаш. (мевалар ўрнига).

**Қўшимча қисм:** хамирдан торт тайёрлаш.

**Эътиборга молик жиҳати:** қорни эриши ва ўз вақтида қорни янгилаш.

*Санъат маркази*

**Жамоавий аппликация**

**«Қишки олимпиада ўйинлари»**

**Мақсад:** олимпиада рамзини ва олимпиада халқаларининг ранглари уйғунлиги қоғозга тушириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** рангли қоғозлар, оқ картон қоғоз, тухум пўчоги, елим, қайчилар, гуашь, мўйқалам.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Халқалар четига мўйқалам билан елим суртилади.
2. Халқа четига сурилган елимга мустаҳам қилиб тухум қобигидан мозайка жойлаштирилади.
3. Сўнг тухум қобигига Олимпиада халқаларининг ранглари уйғунлигига мувофиқ ранг берилади.

**Қўшимча қисм:** Болаларга Олимпиада рамзи, маёғи, байроби, ва халқалари ҳақида ҳикоя қилиб бериш. Олимпиада байробини рангли қоғозлардан тайёрлаш ва дыракол ёрдамида рангли доирачалар ёғдусини (конфетти) яратиш мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларни биргаликда бажарган ижодига ҳамда майдада қўл моторикасини ривожлантиришга.

## ЯНВАР ИККИНЧИ ҲАФТА

### МАВЗУ: «ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ»

*Қуриши ва ясаш маркази*

**Оригами «Самолёт»**

**Мақсад:** қоғоздан маҳсулот яратиш, бармоқларни ривожлантириш, яратиш ва ижод қилиш, диққатни тўплаш, аниқ режа асосида ишлаш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** чизмалар, оқ ва рангли қоғозлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар самолётни йиғиши чизмасини кўрадилар.
2. Самолётни қуриш учун рангли қоғоз танлайдилар.
3. Самолётни чизма асосида йигадилар.
4. Самолётни хоҳишига кўра безатадилар (рангли қаламлар, елим ва бошқалар билан)

**Эътиборга молик жиҳати:** бола “ўзига” ва “ўзидан” каби йўналишда мўлжал олади, ўзининг амалий фаолиятини режалаштиради ва назорат қиласи.

*Қуриши ва ясаш маркази*

**«Ҳарбий техника , машинани йиғиши»**

**Мақсад:** ҳарбий транспортни билади, сюжетни ижодий ривожлантиради, бизнинг Қуроли кучларимиз (армия) билан фаҳрланади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** кесма суратлар, кичик қутилар, гугурт қути, ҳарбий техника акс этган суратлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар ҳарбий техника акс этган суратларни кўрадилар.
2. Болалар ўз танловлари асосида қутилардан ҳарбий техникаларни қурадилар.
3. Ишни тутатиш учун рангли қоғоз, ёпишқоқ байроқ, юлдуз ва бошқа тасвирлардан фойдаланишлари мумкин.

**Қўшимча қисм:** Кўргазма иш «Ҳарбий техника»

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларда ижодий қуриш ясашни такомиллаштириш, шуғулланиш жараёнида улар орасида ижобий ҳамкорликни шакллантириш, қўл моторикасини ривожлантириш.

*Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази*

**Сюжет-ролли ўйин «Ҳарбий денгизчилар»**

**Мақсад:** ҳарбий касблар - капитан, боцман, алоқачи, денгизчиларни билади, давомида ҳарбий денгизчиларнинг ҳарбий ҳаракатлари акс этган сюжетни ривожлантиради.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қурилиш жиҳозлари, капитан бош кийими, ҳарбий денгизчи кийими (денгизчилар ёқаси ва бош кийими), штурвал, дурбин, қурол, лангар, суратлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Модуллардан кема қуради (стуллардан фойдаланиш мумкин).
2. Ролларни тақсимлаш.

3. Болалар мустақил Денгиз флоти ўйинини ўйнайдилар.
4. Ўйин «Трапдан ўтаман». Ердаги арқоннинг устидан кўзлар боғланган ҳолатда мувозанат сақлаб юриш.

**Қўшимча қисм:** Ҳарбий денгизчилар ҳақидаги фильмни намойиш этиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларда аҳлоқий-ватанпарварликни тарбиялаш, сюжетни ижодий ривожлантириш малакасини ошириш.

#### Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази

##### **Сюжетли-ролли ўйин «Чегарачи»**

**Мақсад:** ҳарбий чегарачини аҳамиятини, билимлари асосида сюжетли-ролли ўйинларни ташкиллаштиришни ҳамда ҳамкорликда қарор чиқаришни билади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** планшет, дурбин, каска, ичимликлар, автоматлар, суратлар ҳарбий техника, тез ёрдам буюмлари,

##### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Чегарачи кузатув пости учун модуллардан тоғлар қуради.
2. Ҳамширалар ёрдам кўрсатиши учун вақтингчалик қароргоҳларни ўрнатади.
3. Ролларни тақсимлаш – чегарачи, ҳамшира, пойлоқчи.
4. Сюжетни ривожлантириш.

**Қўшимча қисм:** чегарачи хизмати ҳақида фильм кўриш ва адабиётларни ўқиб бериш.

**Эътиборга молик жиҳати:** жамоа бўлиб ўйнаш ва ўзаро келиша олиш, тасаввурларни ривожлантириш.

#### Тил ва нутқ маркази

##### **«Бизнинг армия»**

**Мақсад:** ҳар бир Давлатнинг армияси ва қўриқланиши лозим бўлган чегараси бўлишини билади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** кесма суратлар, пазллар, магнитли доска.

##### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар бизнинг давлатимизнинг чегаралари акс этган пазлларни йигадилар.
2. Болалар ҳарфлардан армия, чегара, мамлакат сўзларини тузадилар.
3. Болалар мавзуга оид суратларга сўз топадилар.

**Қўшимча қисм:** мавзуга оид суратларга ҳикоя тузиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарфларни билиш ва улардан сўзлар ҳосил қилиш.

#### Тил ва нутқ маркази

##### **«Ҳарбий кийимва уларнинг фарқли белгилари»**

**Мақсад:** ҳарбий кийимларнинг турларини билади, ҳарбий кийим кийиш қоидалари билан танишади, ҳарбий хизматчиларнинг фарқли белгиларини тушунади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** ҳарбий кийим суратлари, ҳарбий хизматчиларнинг фотосуратлари, кесма суратлар, пазллар, магнитли доска.

##### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Таълимий ўйин: «Ҳарбийни суратини йиф!»(учувчи, дengizchi, танкчи, десантчи, қуруқлик қўшиинлари).

2. Болалар сурат асосида ҳикоя тузишади ва бир-бирлариға ҳикоя қилиб беришади.
3. Болалар суратдаги ҳарбийга мос бўлган сўзларни танлашади: *учувчи, танкчи, денгизчи, десантчи, милиционер ва ҳ.к.*

**Қўшимча қисм:** Болалар магнит доскага ҳарбий касб номларини жойига жойлади.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўзининг армиясидан фаҳрланиш туйғусини шакллантириш.

#### Илм-фан ва табиат маркази

##### **Тажриба иши «Ҳаво - кўринмас шамол»**

**Мақсад:** тажриба ишини ўтказиш, тажриба масаласини ажратиш, мустақил фаолият учун жиҳоз танлаш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қоғоздан ясалган самолётлар (қурилиш марказидан), бир тоғорача сув ва шағамлар.

##### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Стол четига самолётларни қўйиб, болалар унга пулфлайдилар. Кимнинг самолёти узоққа учганини кузатадилар.

2. Тоғорадаги сувга болалар шамолни акс эттириб пулфлайдилар, қанчалик қаттиқ пулфланса тоғорадаги сув шунчалик тўлқинланади.

3. Болалар таҳлил қиласидилар, шамол кўринмайди, бироқ у ўзининг хусусиятига эга. Шамол- бу ҳавонинг ҳаракати.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи раҳбарлиги остида шағам билан тажриба ўтказиш. Шағамни ёқиши ва елпигич ёрдамида уни ўчириш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ўтказилган тажрибаларни болалар кўриши ва кузатиши лозим.

#### Илм-фан ва табиат маркази

##### **Драмалаштирилган ўйин «Биз ва табиат»**

**Мақсад:** муаммоли вазиятларни ҳал этиш, бизни ўраб турган табиатни асраш, ўсимлик ва жониворларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** магнит доска, «Атрофимиздаги олам» мавзусида суратлар тўплами.

##### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар муаммоли вазиятлар акс этган суратларни кўрадилар, сойга нима бўлди? Ўрмонга нима бўлди? Дарага нима бўлди?

1. Болалар суратларни таърифлашади. Нима яхши-ю, нима ёмонлигини, биз қандай қилиб табиатни қўриқлашимиз кераклигини тушунтирадилар.

2. Ушбу мавзуга мос бўлган паззларни йиғадилар.

**Қўшимча қисм:** «Қушлар ва ҳайвонлар» мавзусидаги таълимий ўйинни ўтказиш. Болаларни табиатдаги жараёнларнинг турли хиллигига ва уни қўриқлашга жалб этиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** табиат ва инсон тушунчаларини ривожлантириш, табиатда инсоннинг ўрнини англаш, табиатнинг кўркамлигига, ер юзидағи барча тирик жонзотга меҳр-мухаббат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш.

### Санъат маркази

#### **Расм чизиш «Бизнинг жонажон армия»**

**Мақсад:** аскар суратини чизиш, жангчининг тимсолини яратиш, ҳарбий кийимга алоҳида урғу бериш, қофозга тасвирни жойлаштириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** мавзуга оид суратлар, марказнинг номланиш, А-4 форматидаги қоғоз, гуашь, мўйқалам, сув учун стакан.

#### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар ҳарбий мавзуга оид суратларни кўрадилар.
2. Берилган мавзуга ўзининг хоҳишига кўра сюжетни ўйлаб топади.
3. Ўйлаганларини амалга оширади.

Чизиш кетма-кетлиги бўйича чизма таклиф қилиш мумкин.

**Қўшимча қисм:** Қуриш ва ясаш, санъат марказларида кўргазма ташкил этиш

**Эътиборга молик жиҳати:** бажарилган ишга мустақил ёндашув, кайфиятни кўтариш ва ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш.

### Санъат маркази

#### **Лой иши «жонажон Ватанинг душман қўрқинчли эмас».**

**Мақсад:** яратилаётган образ орқали инсоннинг феъл-авторини кўрсатиб бериш, армия билан фахрланиш, кучли, эпчил ва жасур бўлишга интилиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** пластилин, ишлаш учун тўшама (доска), маҳсус пичноқча, ҳар хил турдаги ҳарбийлар акс этган суратлар, ҳарбий база макети.

#### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар суратлар ёки ҳар хил қўшинлар акс этган ўйинчоқларни кўриб чиқадилар.
2. Болалар нима ясашни танлайдилар.
3. Ўйлаганларини амалга оширади.
4. Ҳарбий база макетини қуради.

**Қўшимча қисм:** нафақат ҳарбийлар балки ҳарбий техникаларни яратиш мумкин. лепят не только военных, но и военную технику.

**Эътиборга молик жиҳати:** фаоллик, ташаббусни кўрсатиш, тасаввурдан фойдланиш, жонажон юртига меҳр-мухаббатни тарбиялаш, Ватан ҳимоячиси бўлишга қизиқтириш.

### Санъат маркази

#### **Аппликация «Ватан ҳимоячилари қунига табрикнома»**

**Мақсад:** Ўзбек армияси ҳақида тасаввурга эга бўлиш, Ватан ҳимоячилари куни қачон нишонланишини билиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** рангли қоғоз, картон, иллюстрация ва Ўзбек армияси мавзусига оид табрикномалар, елим, рангли қаламлар, қайчи, салфетка, тахтачалар.

#### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар тайёрланган табрикномаларнинг бир неча нусхасини кўрадилар.
2. Байрам табрикномасини тайёрлаш.

**Қўшимча қисм:**жамоа бўлиб табрикнома тайёрлаш ва уни “Ота-оналар учун маълумотлар” бурчагига жойлаштириш.

**Эътиборга молик жиҳати:** жамоа бўлиб ишлаш, ишга ижодий ёндашиш.

### **З ҲАФТА ЯНВАР МАВЗУ: «МЕН ВА МЕНИНГ ТАНАМ»**

*Қуриши ва ясаш маркази*

**Турли элементлардан одамтанасини қуриш**

**Мақсад:** одам танаси турли хил ва шаклдаги ҳужайралардан ташкил топганлиги ҳақида тушунчага эга бўлади, иш давомида ҳар хил буюмлардан фойдаланади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:**ҳар хил буюмлар (бросов), ҳар бир болага одам тана қисмларини (қоғозга чизилган ва қирқилган тайёр материаллар) тарқатиш, турли шакл ва рангдаги мунчоқлар, иплар, рангли қаламлар ва ҳ.к.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар инсон танаси акс этган катта ҳажмдаги кўргазмани томоша қиласидар. Ким нима билишини ўзаро ўртоқлашишади.

2. Болалар одам танасини қисмларини томоша қилиб ва шунга қараб тана азоларини ҳаракатланадиган қилибодамчани йигишади (тарбиячи йигиш чизмасини кўрсатиб бериши мумкин).

3. Йифилган одамчага юз шаклини чизишади ва иплар билан соч қисмини яратишади.

**Қўшимча қисм:** инсон танаси ички аъзоларини тарқатмаси

**Эътиборга молик жиҳати:** тасаввур ва қўлнинг майда моторикасини ривожлантириш

*Қуриши ва ясаш маркази*

**Қуриш «Робот-одам»**

**Мақсад:** чизма, расм асосида шунингдек, шахсий фикрига кўра қура олади, турличи ҳажмдаги катта-кичик шаклларни танийди, рақамларни санашни билади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** Конструкторлар, кубиклар, ёғоч ва елим модул йиғмалар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар билан Робот-одам қуришни режалаштириш. Йигиш учун керакли кути ва кубикларни танлаб олиш.

2. Биргаликда қуришади.

3. Йифилган робот-одамчага исм қўйишади.

**Қўшимча қисм:** робот-одамиллюстрациясини тмооша қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ижодий тасаввурни ривожлантириш, вазифаларни тақсимлашни ва жамоа бўлиб ишлашни билиш.

*Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази*

**Сюжет-ролли ўйинлар «Поликлиника»**

**Мақсад:** шифокор касбини билади, ўйин давомида шифохона, поликлиника, дорихона, шифокор меҳнати тушунчаларидан фойдаланади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** стол, стул, шифокор учун хона, оқ халат, тиббиёт анжомлари, шприц, тана ҳароратини ўлчовчи асбоп, жадваллар, ёриткичлар, дорилар, касса, “Она ва қиз” ўйини учун майиший жиҳозлар, идишлар, столлар, стуллар, она учун сумка, тиббий маълумотнома учун қоғоз, картон, ручка, қоғоз пуллар, қўғирчоқлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Ролларни тақсимлаш.
2. Шахсий ташаббусга кўра ёки таклиф қилингандагидек ўйналади.

**Ўйиннинг бориши:** Бемор қабулхонага боради. Шифокорга талон олади, ва қабулга боради. Шифокор bemорни қабул қиласи, диққат билан унинг шикоятларини эшигади, саволлар беради, фонендоскоп билан эшитиб кўради, ҳароратини ўлчайди, томографини кўради, ташхис қўяди. Ҳамшира рецепт ёзди, шифокор қўл қўйиб тасдиклайди. Бемор муоалажа хонасига боради. Ҳамшира эмлайди ва муоалажа ўтказади. *Сюжет “Муоалажа хонаси”.*

**Қўшимча қисм:** МТМнинг тиббиёт хонасига сайр.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларнинг шифокор меҳнати, ҳамшира ва дорихона ходимлари ҳақидаги билимларини бойитиш, bemorga aloҳida эътибор бериш, мулоқат маданияти, ўйин давомида болаларни нутқ ва мулоқатини ривожлантириш, сўз бойлигини ошириш.

*Тил ва нутқ маркази*

**Валеология «Ёқимли иштаҳа»**

**Мақсад:** инсон ҳаётида соғлом овқатланишини аҳамияти ҳақида тушунчага эга бўлиш, овқат ҳазм қилиш системасининг вазифалари билан танишиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** “Овқат ҳазм қилиш тизими”, “Тўғри овқатланиш қоидалари” акс этган жадвал, ўйин учун озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

Ўйин: «Озиқ-овқат маҳсулотлари». Стол устига ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари териб қўйилади. Бола маҳсулотларни Зта столга бўлиб чиқади ва нимагалигини тушинтиради.

**Қўшимча қисм:** болалар билан овқатланиш тартиби бўйича сухбат ўтказиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларнинг тўғри овқатланиш, соғлом маҳсулот бўйича тасаввурини ҳосил қилиш, билишга бўлган қизиқишиларини ошириш, фаол ҳаракатланиш, ўз соғлиғи ҳақида қайғуришни тарбиялаш ва соғлом ҳаёт олиб боришга интилишини мустаҳкамлаш.

*Тил ва нутқ маркази*

**«Соғлом ҳаёт сари»**

**Мақсад:** соғлом инсон тушунчасини тушунади, шахсий гигиена кўникмаларига эга, совун, тиш пастаси, тароқ, сочиқнинг аҳамиятини билади, витаминалар ва шамоллаш касалликлари ҳақида тасаввургага эга бўлади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қуёш макети, гигиена воситалари (совун, тиш чўткаси, тароқ, сочиқ),

Таълимий ўйин: «Бизнинг ёрдамчиларимиз», мавзуга оид жараёнлар акс этган сюжетли расмлар, муляжалар, маҳсулотлар тўлдирилган сават, чиникитириш учун жиҳозлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Таълимий ўйин: «Бизнинг ёрдамчиларимиз» — болаларнинг эшитиш, кўриш, ҳид билиш ва таъм билиш борасидаги билимларини мустаҳкамлаш. Суратларни аниқ белгиларига кўра гуруҳларга ажратиш, бу органларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини билдириш.

2. Таълимий ўйин: «Тартиб узвийлиги» — Болалар сюжет акс этган суратларни тартиб узвийлигига териб чиқишади ва уларнинг аҳамиятини тушунтиради. (уйгониш, ювиниш, бадантарбия, нонушта, ўйин, сайр, тушлик, кундузги уйку, толма чой, сайр, ўйин ва бош.)

**Қўшимча қисм:** шахсий гигиена ва кун тартиби қоидалари бўйича сухбат.

**Эътиборга молик жиҳати:** тўғри овқатланиш, чиникиш, мтм тартибидек уйда ҳам кун тартибига риоя қилиш.

#### Илм-фан ва табиат маркази

##### **«Тўғри овқатланиш — соғлиқ гарови»**

**Мақсад:** инсон саломатлигига витаминалар ва тўғри овқатланишни аҳамиятини билади, одам соғлиги тўғр иовқатланишга боғликлиги ҳақида тушунчага эга бўлади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** мазмунга оид суратлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дараҳт ва ҷалъ расми, сут солинган ёпик стакан, мевалар  
(бутун, кесилган, ёғоч сихлар, қоғоз сочиқчалар)

##### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Таълимий ўйин «Фойдали ва зарарли емаклар». Фойдали емакларни дараҳтга, зарарли емакларни чиқинди ҷалъ солиш.

2. Таълимий ўйин «Сабзавот ва мевалар». Болалар сабзавот ва меваларни витаминаларга кўра гуруҳларга ажратиш.

3. Ўйин: «Сутли маҳсулотлар номини айт».

**Қўшимча қисм:** болаларнинг организмига фойдали таъсир кўрсатувчи витаминалар, мевалар ва сабзавотлар ҳақида сухбат.

**Эътиборга молик жиҳати:** ўз соғлигига эътибор бериш, саломатликни сақлаш бўйича оддий усусларини билиш (фиточай, чиникиш, бадантарбия)

#### Илм-фан ва табиат маркази

##### **Валеология бўйича таълимий ўйин по «Сезги аъзолар».**

**Мақсад:** сезги аъзоларнинг тузилишини ва аҳамиятини билиши, шунингдек, хавфли манбаалар, хавфли буюмлар билан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** мавзуга оид суратлар

##### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар мавзуга оид суратларни томоша қилиб ва сезги аъзоларнинг тузилиши ва аҳамиятини сўзлаб беришади.

2. Таълимий ўйин: «Сезги аъзолари». Болалар керакли расмларни танлайдилар.

Сенинг хизматингда бор беш ёрдамчи,

Уларни ишлатасан билмай гарчи.

Кўзлар сенга кўриш учун берилган,

Қулоқлар эса эшитиш учун.

Тил сўзлаш ва таъм билишга,

Бурун эса ҳид билиш учун.

Сен безовта бўлмагин ҳеч,

Улар ёрдам берар эртаю-кеч.

**Қўшимча қисм:** инсон тана аъзолари ҳақида сұхбат, одам макетини ўрганиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ўзининг соғлиғи в танасини эҳтиёт қилиш.

### Санъат маркази

#### **Расм чизиш «Менинг оилам»**

**Мақсад:** тасвири сурат мазмунига мувофиқ қоғозга жойлаштиради, инсон танасини чиза олади, катталар ва болаларнинг бўй бастини тасвирлай олади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** А4 шаклдаги оқ қоғоз, рамка, рангли қаламлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар ўзининг оила аъзолари гапириб беради.

2. Болалар нима билан чизишни танлайдилар.

3. Ўзлари тасвирлаб чизиб беради.

**Қўшимча қисм:** оила ҳақидаги тасвиirlарни томоша қилиш, оилавий севимли байрам ҳақида сұхбат.

**Эътиборга молик жиҳати:** ижодий тасаввурни ривожлантириш. Ўзи яратган тимсолини чирўйини кўра олиш.

### Санъат маркази

#### **Лой иши « Фойдали витаминлар»**

**Мақсад:** лой ишида ҳар хил усулларда мевалар шаклинни бера олади ( думалоқлаш, япалоқлаш, эзиш).

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** пластилин, стек, қўл учун қоғоз сочиқча, лой иши учун тахтакач, табиий сабзавот ва мевалар: апельсин, банан, олма, сабзи ва ҳ.к.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар мева ва сабзавотларни кўриб чиқиб, қандай фойдали витаминлар ясашни танлайдилар.

2. Керакли бўлган рангдаги пластилинни оладилар.

3. Фаолиятни бошлашади.

**Қўшимча қисм:** мева ва сабзавотлар учун Қўшимча қисм саватча ясали мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:** майда қўл моторикасини ривожлантириш учун, кўзда мўлжал олиш, тасаввур қилиш. Пластилин билан тартибли, мустақил, фаол ишлашни тарбиялаш.

### Санъат маркази

#### **Аппликация «Одамчамизни кийинтирамиз»**

**Мақсад:** аппликацияда ҳар хил қоғозлардан фойдаланади, ранглар ҳамоҳанглигини танлайди.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қайчи, пва елим, мўйқалам, хўл сочиқча, клеёнка, рангли картон, фламастер, мунчоқ, тугмача, кийим акс этган суратлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар қурилиш марказида ясаган одамчаларини олишади ва уларга қандай кийим ясашини танлашади.

2. Рангли қоғоз танлайди. Кийим ясашади.

3. Кийимни безайдилар.

**Қўшимча қисм:** болалар ижод фаолияти ни кўргазмасини ўтказиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларнинг ижодий тасаввури

#### 4 ҲАФТА ЯНВАР

#### МАВЗУ: «ХУШМУОМИЛАЛИК АЛИФБОСИ»

*Қуриши ва ясаш маркази*

**Қоғоздан ясаш «Эзгу ишлар елпигичи»**

**Мақсад:** қоғоз ва қайчи билан ишлашни, қоғозни teng ярмига, бир неча бор кетма-кетлиқда буклашни билади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** эзгу ишлар ёзилган елпигич қисмлари, тайёр елпигич шакли.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Елпигич тайёрлаш йўриқномасини кўриш.

2. Болалар ўзининг елпигичи учун эзгу ишлар ёзилган қисмни таналайдилар.

3. Елпигични тайёрлаш.

**Қўшимча қисм:** боланинг луғатини фаоллаштириш ва бойитиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** фикрлаш доирасини кенгайтириш.

*Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази*

**Театрлаштириш: «Икки қизғанчиқ айиқчалар»**

**Мақсад:** асарнинг номини ва мазмуни билади, ном ва мазмунни уйғунлигини кўра олади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** ўрмон акс этган ширма, икки айиқча, она айиқ, тулки, пишлок бўлаклари, ҳар хил рангдаги геометрик шакллар чизилган театр чиптаси ( шу шакллар стулларга ҳам чизилади).

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар эртак сюжетини эсга оладилар.

2. Ролларни тақсимлайдилар ва қўғирчоқ театрини саҳналаштиришади.

**Қўшимча қисм:** саҳналаштирилган эртакни бошқа гурӯх болаларига намойиш этадилар.

**Эътиборга молик жиҳати:** бир-бирига дўстона муносабатда бўлиш, бўлишиш ва имкон беришни тарбиялаш.

*Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази*

**Сюжет-ролли ўйин «Автобусда саёҳат»**

**Мақсад:** жамоа билан ўйнашни, аниқ бир ролни бажаришни, йўл харакати қоидаларини ва транспорт турларини билади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** стуллардан автобус, ҳайдовчи учун жой ва бош кийим, чипталар сумкаси, чипталар. Оқ, қизил, сариқ ва кўйк рангдаги капалаклар.

### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Ролларни тақсимлаш. Автобусда саёхат.
2. «Мустақиллик» бекати. Ўйин. «Гулларни йиғиб ол!». Болалар автобусдан чиқиб гулларни саватчага терадилар
3. «Халқлар дўстлиги» бекати. Ҳаракатлийин «Күшга айлан».  
Бошловчи: «Бир, икки, уч, ўз атрофингда айланиб қушга айлан!  
( чумчук - болалар чумчуқнинг юришига, овозига, ҳаракатига тақлид қиласидилар, кейин қалдиргочга, турнага).

**Қўшимча қисм:** Қўшимча қисм бекатлар билан ўйинни давом эттириш мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:** ҳамжиҳатликни, ўз ишига масъулиятни қўчада ва транспортда ўзини тутиш қоидаларига риоя қилишни сингдириш.

### *Тил ва нутқ маркази*

#### **Сўз ўйини «Нима яхши-ю, нима ёмон?»**

**Мақсад:** яхши ва ёмонни ажратади, эртак ва ҳикоялардан қисмларни сўзлаб беради.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** сюжетли суратлар.

### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Иллюстрацияларни томоша қилиш.
2. Мазмунга мос иллюстрацияларни ажратиш.
3. Холосалар.

### **Таълимий ўйин: «Яхши ишлар».**

Болалар мазмунга мос бўлган суратларни томоша қиласидилар ва қайси бири яхши ва ёмонлиги сўзлаб беришади.

- ўғил бола бувисига игнага ип ўтказища ёрдам беради;
- қиз бола гулхонадангулларни теради гулдаста тайёрлайди;
- ўғил бола укасига китоб ўқиб беради;
- қиз бола боғда агатни сугормоқда;
- ўғил бола идиш ювади;
- ўғил бола қўлмакка оёғи билан тушиб, тепсинмоқда;
- катта қиз кичкинасини аргимчоқдан йиқитди, ва у йиқилди, урилди; - қиз бола хиёбонда қушлар инига дон сепди ва ҳ.к.

**Сўзўйини:** «Яхши ва ёмон». Болалар иллюстрацияларни томоша қилиб, эртак қаҳрамонларининг яхши ва ёмон ишларини эслайдилар.

**Қўшимча қисм:** жамоа бўлиб яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги мультфильм кўрадилар.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларни яхши ишлар қилишга бўлган интилишга, ижодий тасаввурлар.

### *Тил ва нутқ маркази*

#### **Суҳбат «Яхши хулқ». «Эзгу сўз».**

**Мақсад:** катталар ва кичиклар билан хушмуомила бўлиш, одамларнинг ҳатти ҳаракатларини таҳлил қилиш, эзгу ишларга қизиқиш уйғотиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** мазмунга оид суратлар.

### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар ижобий ҳатти ҳаракатлар акс этган карточкаларни танлайдилар;
2. Болалар яхши эртак қаҳрамонларини ва уларнинг ҳатти ҳаракатларини эслайдилар;
3. Таълимий ўйин: «Қизиқарли карточкалар». Карточкаларда берилган вазият бўйича имкон қадар кўпроқ “Сехрли” сўзларни ишлатиш.
4. «Олтин қоидалар» хушмуомила мурожаат. Таклиф қилинаётган карточкалардан ҳар бир бола олтин қоидаларни танлайди ва доскага жойлади.

Олтин қоидалар акс этган карточкалардан намуналар:

- Доим саломлашиш
- Хушмуомила бўлиш
- Ўйинчоқларини дўстлари билан бўлишиш
- Агар хафа қилса, узр сўраш
- Бошқаларни ҳурмат қилиш ва ҳ.к.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи билан М.Расулованинг “Сехрли сўз” асарини ўқиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** Яхши хулқ ва хушмуомилалик.

#### Илм-фан ва табиат маркази

##### **«Қушларни парваришилаш»**

**Мақсад:** жонзотга яхши муносабатда бўлиш, табиатда ўзини тутиш қоидаларига амал қилиш, кузатган ҳолатлари бўйича ҳикоя қилиб бериш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қушлар расмлари, дон, донхўрак, қафас, видеороликлар.

##### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Қушлар тасвирланган карточкаларни томоша қилиш. Ўтилган қушларни эслаш Янги қуш билан танишиш. Суратдаги қушларни таққослаш.

2. Таълимий ўйин «Қушлар». Ҳаёт тарзи. Яшаш муҳити. Болаларни қушларни ташқи кўринишидаги ўзига хослиги, ҳаёт тарзи, ўзини тутиши, муҳитга мослашиши ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтириш.

3. Болалар инсон қушларга меҳр мурувват кўрсатаётганлиги акс этган суратларни томоша қиласи. Сурат бўйича ҳикоя тузадилар.

**Қўшимча қисм:** сўз бойлиги, нуткий боғланишини бойитиш, ўз атрофидаги қушларни кузатиш, суратларни томоша қилиш, ижодий ҳикояларни тузиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** жонзотга яхши муносабатда бўлиш, қизиқувчанликни ошириш, табиатни яқиндан билишга интилиш.

#### Илм-фан ва табиат маркази

##### **Таълимий ўйин «Меҳр улаш»**

**Мақсад:** хушмуомила бўлиш, ижобий ва салбий эртак қаҳрамонлари, уларнинг яхши ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб, поғоналарга ажратади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** иккита нарвон (рангли картондан) ясси шаклдаги эртак қаҳрамонлари (ялмоғиз кампир, тулки, айик, бўри ва ҳ.к.), ва мойчечак.

##### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. **Таълимий ўйин:** «Эзгулик гули». мойчечак гулини олиб, ҳар бир банди бажарилган ёки бажариладиган эзгу иш билан номланади.

2. Болалар эртак қаҳрамонларини томоша қиласылар. Эртак қаҳрамонларини яхши ва ёмон ишларини эслаб, уларни зинанинг энг тепа поғонасига яхшисини, энг паст поғонасига ёвузини жойлаштиради.

**Құшимча қисм:** яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги эртакни ўқиши.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларни эртаклар мисолида әзгулик, ҳамдардлик ва бир-бируни ҳурмат қилишга ўргатиши.

#### Санъат маркази

**Расм чизиш «Эзгулик дараҳти»**

**Мақсад:** чизма бўйича барглар ва дараҳтни чиза олиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қофоз, гуашь, қофоз сочиқлар, мўйқалам, қайчи, елим.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болалар турли дараҳтлар суратларини томоша қиласылар. Дараҳтлар қандай фойда келтиришини гапириб берадилар.

2. Ўзининг эзгулик дараҳтини чизиш.

3. Баргларни чизиш.

**Құшимча қисм:** ўзининг эзгулик дараҳти ҳақида ҳикоя ўйлаб топиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларда эзгу ҳиссиётларни уйғотиш орқали ижодий салоҳиятини намоён этиши.

#### Санъат маркази

**Жамоавий лой иши «Чойга марҳамат»**

**Мақсад:** пластилиндан қўғирчоқлар учун чойнак ва пиёла ясаш, жамоа бўлиб ишлай олиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** чизма, пластилин, тахтакачлар, стек, сочиқлар, идишни безаш учун турли хилдаги ашё.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Тарбиячи билан биргаликда М. Нуриддинованинг “Чойга марҳамат” шеърини ўқиши.

Келинг дўстлар чойга марҳамат,

Биргаликда чақ – чақлашайлик.

Сўнг айтиб сизга катта раҳмат,

Кулиб, дилдан иноқлашайлик.

2. Қўғирчоқ учун чойнак ва пиёла ясаш.

**Құшимча қисм:** чойнак ва пиёлани мунҷоқлар билан безатиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** майдада моторикани ривожлантириш, кўз билан чамалаш.

#### Санъат маркази

**Аппликация «Табрикнома»**

**Мақсад:** мустақил ҳолда табрикнома тайёрлаш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** ишни босқичма-босқич бажариш бўйича йўриқнома, рангли картон, рангли қофоз, қайчи, елим, мўйқалам, сочиқча, бўёқ, клеенка.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Композицияни танлаш.
  2. Ишни босқичма-босқич бажариш. (схема асосида)  
(тарбиячининг танлови асосида намуналар ҳар хил бўлиши мумкин )
- Қўшимча қисм:** болаларга ўзларининг табрикномасини ўйлаб топиш таклифини бериш.

**Эътиборга молик жиҳати:** боланинг ижодий лаёқати ва ранг танлаш қобилиятини ривожлантиришга.

## ФЕВРАЛЬ

### Ойлик мавзу: «Гаройиб олам»

Гурух	Мактабга тайёрлов гурух _____ (номланиши)					
Мавзу	«Кўшни мамлакатлар»					
Вақт	1 ҳафта ФЕВРАЛЯ					
Ривожланиш соҳаси бўйича мақсад	Жисмоний ривожланиш ва соглом турмуш тарзини шакллантириш	Болаларга бир месъёрда жисмоний ривожланишига кўмаклашиш. Ҳаракатланиш тартибини бойитиш, машқларни барча турини англаган ҳолда бажаришга эришиш ( асосий харакат, умумривожлантирувчи машқлар) сафда жуфт бўлиб, ҳар хил бўйруқларни бажариш. Болаларни енгил югуришга ўргатиш (йўналишини сақлаган ҳолда тўсикдан ҳатлаб ўтиш).				
	Ижтимоий-хиссий ривожланитириш	Бошқа одамлар, адабий асар қаҳрамонларининг ҳиссиётлари ҳакида гапириб, боланинг умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатини шахсий эмоционал-эстетик кечинмалар орқали ошириш. Боланинг дунёкарашини, эмоционал – хиссий, тимсолий-ассоциатив тафаккурини ривожланитириш. Санъат асарлари билан танишиш, эмоционал жонли мулоқат учун имкон яратиб бериш.				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Нутқда оддий ва мураккаб гаплардан фойдаланган ҳолда болаларга суратга қараб ҳикоя тузишга ўргатиш, сўз луғатини бойитиш, тўғри нуткни шакллантириш.				
	Ақлий билишни ривожланитириш	Хушмуомила бўлиш ва ўзини тутиш қоидаларини мустакамлаш. Инсонларни аҳлоқий томонлари ҳакида бадиий адабий ва бошқа санъат турлари намуналари ҳамда болаларнинг ўзини тутишлари ва мулоқатига таянган ҳолда тушунча бериш.				
	Ижодий ривожланиши	Жамият ҳаётида воқеаларни ижодий тасвирлашнинг ҳар хил воситалардан фойдаланган ҳолда ( шакл, колорит, мажмуя) акс эттириш. Ихтиёрий сюжетни танлаган ҳолда ўйлаганларини ижодида (аппликация ёки ҳайкалтарошлиқ) рўёбга чиқариш.				
Фаоллик марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Мустақил фаолия	Қурилиш ва конструктор ўйинлар маркази	Курилиш ашёларидан «Дўстлик кўпригини қурамиз»				
	Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази	Сюжет-роллийин «Почта»		Сюжет-роллийин «Мехмон келди»		Сюжетли ўйинлар тўплами
	Тил ва нутқ маркази	Шаҳарнинг дикқатга сазовор жойлари акс этган суратларга қараб ҳикоя тузиш				
	Илм-фан ва табиат маркази	Қурилмани платформага жойлаштириб чидамлилика синовдан ўтказиш (ҳар хил кучда тебратиб)		МТМ боғида тажриба «Пиёз ва сабзи экиш»		Тупроқ тўлдирилган лоток, лопатка, сабзи ва пиёз, сув қўйиш мосламаси
	Санъат маркази	Лой иши «Тойчок»			Декоратив расм чизиш «Тулпорни бўя!»	
	Катта гурухларда ишлиш					Бўёқ, рангли қаламлар, мўйқалам, қофоз, салфетка. Пластилин, тахтакач, стеклар.

## Ойлик мавзу: «Ғаройиб олам»

Гурх	Мактабга тайёрлов гурху _____ (номланиши)				
мавзу	«Дунё мамлакатлари»				
вақти	2 хафта ФЕВРАЛ				
Ривожланиш соҳаси бўйича мақсад	Жисмоний ривожланиши ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Болаларга бир месъёрда жисмоний ривожланишига кўмаклашиш. Ҳаракатланиш тартибини бойитиш, машқларни барча турини англаган ҳолда бажаришга эришиш ( асосий ҳаракат, умумривожлантирувчи машқлар) сафда жуфт бўлиб, хар хил буйрукларни бажартириш. Болаларни сенгил югуришга ўргатишда (йўналишини сақлаган ҳолда тўсиқдан ҳатлаб ўтишда давом этиш).			
	Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш	Бошқа одамлар, адабий асар қаҳрамонларининг хиссиятлари ҳакида гапириб, боланинг умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатини шахсий эмоционал-эстетик кечинмалар орқали ошириш. Боланинг дунёқарашини, эмоционал – ҳиссий, тимсолий-ассоциатив тафаккурини ривожлантириш. Санъат асарлари билан танишиш, эмоционал жонли мулокат учун имкон яратиб бериш.			
	Нутқ, мулокот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Нутқда oddий ва мураккаб гаплардан фойдаланган ҳолда болаларга суратга караб ҳикоя тузишга ўргатиш, сўз лугатини бойитиш, тўғри нутқни шакллантиришда давом этиш.			
	Ақлий билишни ривожлантириш	Болалар билан биргаликда хушмуомила бўлиш ва ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш. Инсонларни аҳлоқий томонлари ҳакида бадиий адабий ва бошқа санъат турлари намуналари ҳамда болаларнинг ўзини тутишлари ва мулокатига таянган ҳолда тушунчалар бериш.			
	Ижодий ривожланиш	Жамият ҳаётида воқеаларни ижодий тасвирлашнинг ҳар хил воситалардан фойдаланган ҳолда ( шакл, колорит, мажмуя) акс эттириш. Ихтиёрий сюжетни танлаган ҳолда ўйлаганларини ижодида (аппликация ёки ҳайкалтарошлиқ) рўёбга чиқариш.			
<b>Фаоллик марказлари</b>		Таълимий-тарбиявий фаолият			
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба
Мустақил фаолият	Курилиш ва конструктор ўйинлар математик мавзулар	Қоғоздан «Самолёт» ясаш.		Эйфел минораси (курилиш ашёларидан)	
	Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази	Ўйин-драмалаштирилган А.Навоийнинг «Нон иси» асари бўйича		Кўлқоп театр ( болалар танловига кўра )	
	Тил ва нутқ маркази	Дунё мамлакатларига саёҳат (АҚТ)			
	Илм-фан ва табиат маркази	Тажриба иши: «Ун олиш мақсадида донни янчиш»		Тажриба иши «Электр ҳақида тушунча».	
	Санъат маркази	Дымковская, городецкая, хохломская миллий нақш услугубарида ишланган «Россия нақшлари» акс этган альбомни томоша қилиш «Дымковска ўйинчоги» бўяш дафтари билан ишлаш.		Расм чизиш «Матрёшкалар»	Лой иши: «Дўстлар давраси»
	Катта гурухларда ишлаш				

## Ойлик мавзу: «Гаройиб олам»

Гурух	Мактабга тайёрлов гурух _____ (номланиши)							
мавзу	«Ўзбекистанинг буюк сиймолари».							
вакти	3 хафта ФЕВРАЛ							
Ривожланиш соҳаси бўйича мақсад	Жисмоний ривожланиш ва соглом турмуш тарзини шакллантириш	Болаларни жисмоний сифатларини ривожлантириш: умумий чидамлик, тезлик, куч, мувозанат, эгилувчанлик. Жисмоний такомиллаштириш, фаол ҳаракат тартибини англанган эҳтиёжга кўра шакллантириш.						
	Ижтимоий-хиссий ривожланитириш	Болали ижтимоий-хиссий ривожланитириш. Ҳаётда ва жамиятда ўзини тўғри тутиш кўнкума ва малакаларини шакллантириш. Феъл-авторида ижобий хислатларни шаклланшига кўмаклашиш (эътиборли бўлиш, бегараз ёрдам бериш).						
	Нутқ, мулоқот, ўқиши ва ёзиши малакалари	Сўз бойлигини кенгайтиришда буюмларнинг номлари билан, сифати билан, ҳаракати билан луғатни фаоллаштириш. Нарсаларни хусусиятлари, сифатини таърифлашда маъкул келадиган сўзларни кўллашни ўргатиш. Қарама қарши маъноли сўзларни (антоним) топишини ўргатиш.						
	Ақлий билишни ривожланитириш	Ўзбекистоннинг буюк сиймолари билан таништиришда давом этиш.						
	Ижодий ривожланиш	Ўзбек миллий либосларини бор чиройида кўришни ўргатиш, расмга декоратив нақш безакларини беришни билиш, осон ва ўзига ишонган ҳолда мўйқаламни учини тўғри, гажак, тўқинсимон, доира, ярим доира, нуқтали ҳаракатлар билан юргизишни, мўйқаламни тўғри ушлашни шакллантириш.						
Фаоллик марказлари	Таълимий-тарбиявий фаолият							
	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар жиҳозлар		
Мустақил фаолият	Кундалик Фаолият маркази	Оригами + аппликации «Ракета»		«Регистон» майдони ( йирик қурилиши ашёларидан )		Геометрик лото. Пазллар.		
	Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази	Сюжет-ролли ўйинлар «Дорихона»				«Дорихона» ўйинига атрибуллар		
	Тил ва нутқ маркази	А. Навоийнинг “Икки вафодор дўстлар ” асари ҳақида сухбат				А. Навоийнинг “Икки вафодор дўст ” асари		
	Илм-фан ва табиат маркази	Оҳанрабо (магнит) билан тажриба «Сув солинган стакандан кўлни хўл қилмай тангани олиш» «Рақсга тушаётган скшолғом» - стол тагида магнит юргизиш.		Тажриба иши: «Кун ва тун алмашинуви». (лампочка ва глобус билан тақдимот). «Қуёш системаси », «Қуёш тутилиши», «Қўм кўк осмон»		Турли катталикдаги тошлар,магнит, лупа, қум и сув.		
	Санъат маркази	Расм чизиши «Регистон майдони»		Жамоавий аппликация «Кўзани миллий нақшлар билан безатамиз»		Рангли қаламлар, бўёқ, мўйқалам, салфетка, елим қайчи, рангли қофзлар.		
	Мусиқий фаолият ва ритмика							
	Гурухларда ишлаш							

## Ойлик мавзу: «Гаройиб олам»

Гурух	Мактабга тайёрлов гурух _____ (номланиши)								
<b>мавзу</b>	<b>«Китоблар тарихи»</b>								
<b>вакт</b>	<b>4 ҳафта ФЕВРАЛ</b>								
<b>Ривожла ниш соҳаси бўйича мақсад</b>	<b>Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш</b>	Турли хилдаги мустақил фаол ҳаракатларни эҳтиёжга кўра ривожлантириш ва қўллаб қувватлашда давом этиш, болани ҳаракатланиш тажрибасини умумривожлантирувчи ва асосий машқлар хисобига бойитиш.							
	<b>Ижтимоий-хиссий ривожланиш</b>	Болаларда эмоционал нутқ бойлигини шакллантириш, яқинларига мулојим ва зийрак муомилани тарбиялаш. Бир-бирини танишга, ўйин вактида тўғри мулоқат қилиш, дўстоналикни тарбиялаш.							
	<b>Нутқ, мулоқот, ўқиши ва ёзиши малакалари</b>	Мустақил нутқда оддий ва мураккаб гаплардан фойдаланган ҳолда ҳикоя килишга ўргатиш, фаол лугатидаги сўзларни грамматик тўғри ўзгартериш. Грамматик хатоларга тақидий муносабатни, соғ нутқга интилишни тарбиялаш.							
	<b>Ақлий билишни ривожланиш</b>	Болаларни китоб тарихи билан таништириш. Турли жанрдаги китоблар ҳақида тушунча шакллантириш. Болаларни одамларни касби билан таништиришда давом этиш, билимга қизиқтириш, китобга тўғри муносабатни тарбиялаш.							
	<b>Ижодий ривожланиш</b>	Ижодкорликни ривожланиш, осон ва ўзига ишонган ҳолда мўйқаламни учини тўғри, гажак, тўқинсимон, доира, ярим доира, нутқали ҳаракатлар билан юргизишни, мўйқаламни тўғри ушлашни шакллантириш.							
<b>Фаоллик марказлари</b>		Таълимий-тарбиявий фаолият							
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар жиҳозлар		
	<b>Кундалик марказлар</b>								
	<b>Қурилиш ва конструктор ўйинлар математика</b>	Қоғоздан ясаш «Ўз қўлларинг билан китобча ярат»			«Эртакнамо шаҳар» иирик қурилиш материалларидан		Қоғоз, қайчи, елим, салфетка, суратлар, фломастер.		
<b>Мустақил фаолият</b>	<b>Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази</b>	Сюжет-ролли ўйин «Китоб дўкони»		Сюжет-ролли ўйин «Кутубхона»			Мавзуга мос атрибуtlар.		
	<b>Тил ва нутқ маркази</b>	Ҳикоя килиб бериш «Мен ёқтирган китоб»		Севимли эртаклар бўйича адабиётлар викторинаси			Эртакка оид тақдимотлар.		
	<b>Илм-фан ва табиат маркази</b>	Қоғоз хусусиятлари билан танишиш.							
	<b>Санъат маркази</b>	Лой иши «Менинг севимли эртак қаҳрамоним»		Расм чизиш «Бизнинг севимли эртакларимиз»			Пластилин, тахтакачлар, бўёқ, мўйқалам, салфетка.		
	<b>Гурӯҳларда ишлаш</b>								

## ОЙЛИК МАВЗУ “ҒАРОЙИБ ОЛАМ”

### 1 ҲАФТА ФЕВРАЛ

**МАВЗУ: «Құшни мамлакатлар»**

Куриш ва ясаш маркази

**«Дүстлик күпригини қурамиз»**

**Мақсад:** қурилма күпrikлар билан танишиш, янги сўзларни тушуниш (виадук, эстакада) күпrik қуриш ва режалаштириш малакаларини шакллантириш, биргаликда ишлаш кўникмасини ортириш.

**Тарбиячи учун маълумот**

**Эстакада**

Кўпrik (путепровод) қурилиш учун одатда 2-4 узун 10-30 метрли бетон плиталари кетади, эстакада қуриш учун эса бир неча бор кўпроқ керак. Путепровод ва эстакадани асосий фарқи шундаки: путепровод битта йулни устидан кесиб ўтади, эстакада эса бир нечта тўсиқларни устидан ўтади –дарё, йўл, темир йўл устидан кесиб ўтиши мумкин. Шундай қилиб Эстакада ўз ичига ҳам кўпrik ҳам путепроводни олади.

**Виадук**

Йўл ва сув омборларидан ташқари яна бошқа тўсиқлар бор – рельеф, ер устки қатлами ёриқлари, икки тоғ оралиги. Баланд-паст тепаликларга қуриладиган кўпrikлар виадук деб аталади. Буларнинг қурилиши иқтисодий оқланган, чунки кўпrik пойдеворини қуриш шарт эмас ортикча сарф ҳаражат йўк.

Хаммаси икки баландлик чуқурлигига ва узунлигига боғлик магистраль йўналишида виадук ва эстакада фарқи шундаки – тўғри текислик мавжуд эмаслигига. Шунинг учун бир хил таянч ва битон плиталари булиши мумкин эмас. Одатда виадуклар чиройли ва жозибали қурилмалар булади. Айталик, Франциядаги дунёning энг баланд Мийо виадукни таянч устунини баландлиги 340 метр.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** турли хилдаги кўпrikларни қуриш учун қурилиш хом ашёлари.

**Фаолиятни олиб борилиши: (катталар билан ишлаш)**

1. Турли хил кўпrikлар акс этган суратларни томоша қилиш;
2. Кўпrikлар қанадй бўлиши ва уларнинг аҳамиятини ҳикоя қилиб бериш.

(биринчи суратда биз темирйўл кўпригини кўраяпмиз, бундай кўпrikлар орқали сув устидан поездлар ўтади.

Иккинчи суратда — автомобиль кўприги, машиналар ўтиши учун қурилган кўпrik.

Учинчи суратда — одамлар учун кўпrik акс этган. Бу кўпrikдан факат йўловчилар юрадилар.

Тўртингчи суратда — икки қаватли кўпrik акс этган . бири нчи қаватида машиналар юради, иккинчи қаватидан эса поездлар ўтади. Шунингдек, иккى қаватли кўпrikларда машиналар ва одамлар ўтиши мумкин.

Кўпrikлар нақақат темирйўл, машина ва йўловчилар учун ажратилади, балки қурилиши турига кўра ҳам ҳил бўлади.

Бешинчи суратда – осма кўпrikларни кўришимиз мумкин. Бундай кўпrikлар тоғларда ва баланд жойларда одамлар ўтиши учун қурилади. Ҳозирги замон технологиялари автомобиллар учун ҳам осма кўпrik кура олади.

Олтинчи суратдаги қўприк дарё устида эмас, балки поездйўл устига қурилган. Ушбу қўприк “Эстакада” деб айтилади. Бундай қўприкларда машиналар, одамлар ва поездлар ҳам ўтиши мумкин.

Еттинчи суратдаги қўприк –бундай қўприклар дарё устида ҳам ва бошқа йўл устида ҳам эмас, бундай қўприклар “Виадук” деб номланади. Унинг эстакададан фарқи текис жойга қурилмайди.

Саккизинчи суратда эса виадукдан поезд ўтиб кетмоқда.

На восьмой фотографии по виадуку едет поезд.

Тўқизинчи суратда эса Хитойдаги қўприк акс этган. У “Аждарҳо қўприк”деб номланади.

Ўнинчи суратда – йўловчилар учун қурилган “Моисей қўприги”дир, у Голландияда. Ушбу қўприк дарё бўйи билан баробар ҳолатда қурилган.

Барча қўприкларнинг қопламани ушлаб турувчи таянчи мавжуд, (осма қўприклар бундан мустасно). Кўприкнинг таянч асоси жудаям ишончли бўлиши талаб этилади.

1. Болалар билан кўшни мамлакатлар билан боғловчи қўприкни қуришни режалаштириш.

2. Қурилиш хомашёларидан қўприк қуриш.

3. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** тарбиячи болалар яратган ижодини майда ўйинчоқлар билан бойитишини таклиф қилиши мумкин.

**Эътиборга молик жиҳати:** қурилиш лаёқатини, биргаликда ишлашни ривожлантириш, БХХ<sup>2</sup>га риоя қилиш.

### Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалашириши маркази

#### **Сюжет-ролли ўйин«Почта».**

**Мақсад:** сюжетли ўйин ўйнаш, рол учун диалог (икки киши мулоқати) тузиш, ўйинни ривожлантириш, бир бирининг ўйиндаги ҳатти ҳаракатларини уҳокама қилиш, катталар ёрдамида ўйинда қўлланиладиган атрибутларни тайёрлаш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** телеграмм қофози, посылка хабарномаси, конвертлар, табрикномалар, газета, журналлар, штамп. Почтальон сумкаси, Ўзбекистон хабарчиси (почтальон) нинг маҳсус кийими, почта қутиси.

**Фаолиятни олиб борилиши:** «Почтачи» шеърини ўқиши.

Шахдам қадам ила чарм сумкаси билан,

Хатлар, табрик... нималар йўқ!

Ёмғирда ҳам, қорда ҳам,

Шошилади хабарчи, элга хабар бергани:

Кимга хабар, кимга теледастур,

Кимга жўнатма, кимга телеграмма.

1. Ўйин учун сюжет яратиш

2. Ролларни тақсимлаш

3. Ўйинни олиб бориши

<sup>2</sup>Болалар ҳаёти хавфсизлиги

**Эътиборга молик жиҳати:**

- 1.Тўғри нуткни шакллантириш;
- 2.Ҳарфларни тўғри талаффуз қилиш;
3. Бола ҳаёти ҳавфсизлиги

*Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази***Сюжет-ролли ўйин «Мехмонларни кутамиз»**

**Мақсад:** тенгдошлари ва катталар билан мулоқат қилиш, уй рўзгор юмушларини билади ( тозалаш, таом тайёрлаш, стол безатиш ва бош), биринчи ва иккинчи даражали ролларни ўзига ишониб ўйнай олади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** болалар учун мўлжалланган ошхона тўплами, мевалар, сабзавотлар, дастурхон, гуллар билан гулдон, болалар мебеллари, ошхона, болаларбоп газ плитаси ва ошхона буюмлари.

**Фаолиятни олиб борилиши.**

1. Танлов
2. Ўйин қоидалари билан танишув
3. Ролларни тақсимлаш
4. Ўйин режасини тузиш.

**Қўшимча қисм:** шеърни ёдлатиш**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Болаларни биринчи ва иккинчи даражали ролларни қўрқмасдан ўзига олиб, ишонч билан ўйнай олишига ўргатиш.
2. Бармоқ машқларида фаол қатнашиш
3. Бола ҳаёти ҳавфсизлиги

*Санъат маркази***Лой иши.Мавзу: «Тойчок».**

**Мақсад:** тойчоқ ясаш, пластилиннинг бутун қисмидан фойдаланиш, хаёлий ижодкорликни амалга оширади, ўзининг ишини натижасини кўра олади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** тойчоқ намунаси, лой, тахтакачлар, стеклар, салфетка.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

- 1.Тойчоқнинг танаси ва шаклини томоша қилиш.
- 2.Лой ишини комбинацион усулда амалга ошириш.
3. Болаларни ишга ижодий ёндашуви.
4. Ишлар кўргазмаси.

**Қўшимча қисм:**бармоқлар машқи.

Мана менинг ёрдамчиларим,

Уларни ҳар хил букаман.

Силлиқ ва оппоқ йўлларда,

Тойчоқлар каби чопқиллар.

Тақа-так, тақа-так,

Чопқиллар учкур уюр.

*(Болалар стол атрофида стулда ўтирибдишар, қўллар стол устида. Навбат билан ўнг ва чап қўллар ва бармоқлар ҳаракатлантирилади.*

**Эътиборга молик жиҳати:**

- 1.Лой билан ишлаш.
- 2.Тасаввурни ривожлантириш.
3. Бола ҳаёти ҳавфсизлиги

*Санъат маркази*

**Расм чизиш «Тулпорни бўя!».**

**Мақсад:** амалий санъат, безаш усули билан таништириш, Ҳамро бувининг ўзига хос ёрқин ўйинчоқлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:**Ҳамро Бувининг ўйинчоқ тойчаси, бўёқ, пахтали ёғочлар, сочиқчалар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Тойчоқни оқ ранга бўяб олиш.
2. Безак элементларини ўйлаб топиш.
3. Ишни тугатиш.
4. Болалар ишларининг кўргазмаси. Рефлексия

**Кўшимча қисм:** лойдан ясалган, нақшинкор безалган ўйинчоқларни томоша қилиш  
*(Болалар мусиқа садолари остида расм чизадилар)*

**Рефлексия.**

- Қандай ёрқин, байрамона чиқди тойчоқларингиз, баракалла!
- Келинг тойчоқ ҳақидаги қўшиқни куйлаймиз.

*Илм-фан ва табиат маркази*

**Зилзилаларда ўзини тутиш (тажриба) ўйин**

**Мақсад:** билиш вазифаларини ривожлантириш ва тезкор хулоса чиқаришга ўргатиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:**қурилиш хомашёлари, қурилган бино туриши учун платформа, баланд бинолар акс этган суратлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Тарбиячи зилзила ҳақида ҳикоя қилиб беради.
2. Иншоатларни қуриш.
3. Бинони чидамликка текшириш (турли куч билан)

**Кўшимча қисм:** зилзила вақтида ўзини тутиш қоидаларини мустаҳкамлаш.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Болаларни билиш вазифаларини ривожлантириш.
2. Бола ҳаёти ҳавфсизлиги

*Илм-фан ва табиат маркази*

**«Сабзи экиш»**

**Мақсад:** сабзини уруғлардан экиб чиқаришни, одамлар учун фойдалик жиҳатларини, кетма-кетлик бўйича ҳаракатланиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** фермердан хат, сабзи уруғлари, болаларни гурухларга ажратиш учун карточкалар, стол учун клеёнка, турли хилдаги сабзи сурати кас этган карточкалар, 3 лопатка, 3 лейка, 3 стол артиш учун сочиқча, фартуклар, сабзи экиш учун жой.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Табиат бурчагида сухбат ўтказиш.
2. Ўсимликларни ўсиши учун нима керак?
3. Муаммоли вазиятни юзага келтириш.
4. Тажриба ўтказиш алгоритм муҳокамаси, керакли ашёлар аниқлаштириш.
5. Мустақил ишлаш.
6. Сабзини ўсишини кузатиш юзасидан кундалик тутиш.
7. Фермер хўжалиги учун қилинган ишлар юзасидан суратлар

**Қўшимча қисм:** сабзи қаердан келганигини, сабзини экиш (уруг, кўчат орқали) ҳақида ҳикоя қилиб бериш

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Керакли маълумотларни мустақил излаб топиш ва таҳлил қилиш.
2. Қўйилган мақсадга эришиш йўлида фаолиятни тўғри режалаштириш.

*«Тил ва Нутқ» маркази*

Суратлар асосида шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилиб бериш.

**Мақсад:** ўз шаҳрини иллюстрациялар орқали танишиш, шаҳарнинг диққатга сазовар жойларини, кўшни давлатларнинг пойтахтларини билиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қўшни мамлакатларнинг диққатга сазовор жойлари акс этган иллюстрациялар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш.
2. Мазмунга оид суратларга гаплар тузиш.
3. Қиса ҳикоя қилиб бериш.
4. Шаҳарга сенинг муносабатинг.

**Қўшимча қисм:** болаларнинг мулоқатчанлигини ошириш.

**Эътиборга молик жиҳати:** сўзларни, бўғинларни тўғри талаффуз қилиш, таянч сўзлар асосида гап тузиш.

*Тил ва нутқ маркази*

**Я. Дубенсконинг «Биз ҳар хилмиз» шеъри.**

**Мақсад:** Болалар шеърни мазмунли ёдлашга ўргатиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** Я. Дубенско шеъри

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Кириш сухбат.
2. Шеърни ўқиши.
3. Ўқилган шеър бўйича сухбат.
4. Мазмун бўйича саволлар.
5. Шеърни қайта ўқиши.
6. Шеърни ёд олиш.

**Кўшимча қисм:** болалар билан дўстлик ҳақида сухбат  
**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Шеърий асарга ижобий фикр билдириш.
2. Билишга қизиқишини ошириш.
3. Гапни тўғри тузишни ўргатиш.
4. Бола ҳаёти ҳавфсизлиги

## 2 ҲАФТА ФЕВРАЛ МАВЗУ: «ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ»

*Куриш ва ясаш маркази*

**Қоғоздан «Самолёт» ясаш**

**Мақсад:**чизма бўйича ишлаш кўникмасини шакллантириш, майда моторикани ривожлантириш, самолёт турлари ва унинг аҳамиятини билади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** А4 форматидаги қоғоз,самолётни ясаш алгоритми  
**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Самолёт ҳақида топишмоқ.
2. Самолётни мустақил бажариш.
3. Самолётни учирив кўриш.

**Кўшимча қисм:** болалардан ўзларининг самолётларида қаерга учишни ҳохлашларини сўраш.

**Эътиборга молик жиҳати:**жамоа бўлиб ишлаш, масъулият ҳиссини тарбиялаш.

*Куриш ва ясаш маркази*

**«Эйфелминораси» (қурилиш материалларидан)**

**Мақсад:**сурат ва чизмага қараб, шахсий фикрига асосланиб минорани қуриш, шакллар катта кичиклигини ажратади, саноқ ва ҳисобни билади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:**кубиклар, геометрик шакллар, ёғоч ва елим конструкторлар йигмаси; табиий хомашёлар, безаш учун тўплам, суратлар.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Эйфел минораси акс этган суратларни томоша қилиш.
2. Болалар билан қурилишни режалаштириш.
3. Қуриш – ясаш ишлари.
4. Болаларнинг ишларини муҳокама иқлиш ва рағбатлантириш.

**Кўшимча қисм:** видеофильм қўйиб бериш.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Ижобий тасаввурни ривожлантириш, вазифаларни тақсимлаш.
2. Жамоа ишида ўзини ўрнини топиш
3. Бола ҳаёти ҳавфсизлиги

*Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази*

**Драмалаштирилган ўйин «Нон иси»**

**Мақсад:** драмалаштирилган ўйинда эркин нон исини қаҳрамонларини феъл –авторини тушунади, композициянинг ўзига хослигини хис қиласди.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қаҳрамонларкийимлари, А.Навоий учун патқалам, сиёхдон, хонтахта, дастурхон, гуллар, атири, қалампир, Дехқон учун - лопатка, сувдон, нон.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Болаларга сюжетни тушунтириш.
2. Драмалаштирилган ўйин учун сюжетни яратиш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Таҳлил қилиш.

**Қўшимча қисм:** А. Навоийнинг «Нон иси» асарини ўқиб бериш.

Хикоя қилиб бериш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ўйинда ҳамкорларга дўстона муносабатда бўлиш.

**Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази**

**Қўлқоп театри** (болалар танловига кўра)

**Мақсад:** театрлаштирилган ўйинга қизиқиш уйғотиши, эртак мазмунини ижодий кетма-кетликда қўйиш. Қўлқоп театри билан ишлаш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** қўлқоп театри қўғирчоқлари

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Эртакни ўқиши
2. Саҳналаштирилган ўйин учун сюжетни яратиш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Эртак муазмуни бўйича таҳлил.

**Қўшимча қисм:** эртак асосида яратилган мултфильмни кўриш.

**Эътиборга молик жиҳати:**

1. Болаларнинг тасаввурларини ривожлантириш, ўйинда дўстона муносабатга киришиши.
2. Ҳалқ оғзаки ижоди орқали боалларнинг нутқини ривожлантириш
3. Болаларнинг ижодий қобилияtlарини намойиш этишга имкон яратиш, актёрлик маҳоратини тарбиялаш.

**Илм-фан ва табиат маркази**

**Тажриба иши «Ун олиш мақсадида донни янчиш»**

**Мақсад:** мустақил ҳолда берилган вазифани ечиш, хулоса чиқариш, мулоқатга киришиши, мантиқий фикрлашни ўстириш. катталар меҳнатини қадрлайди, буғдойни етиштириш усувлари билан тиништириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** буғдой бошоги, кофемайдалагич, қошиқ, 2 халтачада дон.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Нон ҳақидаги мақлларни ёдга солиши.
2. Буғдойни бошоқдан ажратиш.
3. 1-тажриба. Буғдойни кофемайдалагичда янчиш.

4. 2-тажриба: мен бир халтачага унни соламан, иккинчисига эса буғдойни. Арапаштирамиз, пайпаслаб күрингчи қайси бирида ун? Қайси бирида дон? Қандай топдингиз?

5. Майда ва йирик янчилган донни ажратиш.

**Күшимча қисем:** Тегирмон акс этган суратларни томоша қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** марказда ишлаш чоғида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш.

### Илм-фан ва табиат маркази

**Тажриба:** «Электр ҳақида тушунча».

**Мақсад:** инсонлар ҳаётида электр токининг ўрни ва аҳамияти, электр токидан нотуғри фойдаланиш оқибатларини тушунтириш, электр тажрибаси билан қизиқтириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** пластмасс чизғич, рангли тошлар, жун мато, пулфакча (шар), қоғоз парчаси ва ялтироққоғоз (фольга).

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Электр токи ҳақида тарбиячи хикояқилиб беради.

2. 1-тажриба чизғични жун матога ишқалаб, қоғоз парчаларига яқинлаштириш.

3. 2-тажриба «Шифтдаги пулфакча». Ҳаво тўлдирилган пулфакчани сочга ёки жун матога ишқалаш.

4. 3-тажриба «Рақсга тушувчи буюм». Ручкани жун матога ишқалаш ва ялтироқ қоғозга (фольга) яқинлаштириб енгил ҳаракатлантириш керак, натижада ялтироқ қоғоз қимирлашни бошлайди (ўйнашни).

5. Хулоса чиқариш.

**Күшимча қисем:** мавзуга оида мультфильм кўриш.

**Эътиборга молик жиҳати:** дикқатни ва илмга иштиёқ уйғотиши.

### «Тил ва нутқ» маркази

**Мавзу:** “Дунё мамлакатларига саёҳат”. АКТ дан фойдаланган ҳолда.

**Мақсад:** глобус, дунё ҳаритаси ҳақида тушунчага эга. Дунёни турли қитъасида ҳар хил миллатлар яшashi, ҳар бир давлатни ўзига хос урф одатлари борлигини билиш, бошқа мамлакатларда яшовчи одамлар ҳаётига қизиқиши.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** дунё мамлакатлари ҳақида тақдимот ёки видеофильм.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Ташкилий қисм. Дунё мамлакатлари ҳақида сұхбат.

2. Дунё мамлакатлари тўғрисида тақдимотларни кўриш.

3. Халқлар дўстлиги.

4. Фаолиятни яқунлаш.

### Санъат маркази

**Расм чизиш «Матрёшкалар»**

**Мақсад:** «Матрёшка» ўйинчоғи билан таништириш, унинг ижодий безалишини ижобий қабул қиласи, иш жараёнинда ўзининг композициясини яратади.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** матрёшка шаклидаги қоғоз, бўёқ, 2 хил ўлчамдаги мўйқалам.

### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Матрёшка ҳақида топишмоқ топиш.
2. Матрёшка ҳақида ҳикоя қилиб бериш.
3. Матрёшка безакларини томоша қилиш.
4. Матрёшканинг безатиш.
5. «Матрёшка». Жисмоний дақиқаси.
6. Болалар ишлари кўргазмаси.
7. Фаолиятни якунлаш.

**Қўшимча қисм:** халқ амалий санъати намуналаридан ўйинчоқларни томоша қилиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** декоратив расм солиш техникасига эга бўлиш,  
Композицияда нақш қисмларини тўғри жойлаштириш.

### *Санъат маркази*

#### **Лой иши: «Дўстлар давраси»**

**Мақсад:** инсон шаклини ясашни билади, турли ҳиссий ҳолатларни акс эттира олади.  
Ижодий тасаввур, хотирани ривожлантириш, таниш усулларни қўллаш (ёйиш, думалоқлаш, эзиш, чимдилаш, узуб олиш, кесиб олиш, текислаш, чўзиш, силлиқлаш, улаш, ёғоч билан ўйиш).

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** пластилин, стеклар, ёғочлар, тахтакачлар, сочиқлар.

#### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Инсон шаклини ҳосил қилиш учун нима қилиш кераклигини аниқлаб олиш.
- Кандай усулларни қўллашни билиш (ёйиш, думалоқлаш, эзиш, чимдилаш, узуб олиш, кесиб олиш, текислаш, чўзиш, силлиқлаш, улаш, ёғоч билан ўйиш).
2. Тарбиячи намунасини кўрсатиш. Тайёрланган тана қисмларини мустаҳкамлаш.
3. Болаларни ижодий фаолияти ни тайёрлаш.
4. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

**Қўшимча қисм:** мавзуга оид қўшиқни тинглаш.

**Эътиборга молик жиҳати:** болаларни ижодий қобилияларини ва лой иши техникасини қўллаш малакаларини ривожлантириш.

### *Санъат маркази*

#### **Мавзу: Суратларни бўяш. «Дымковская ўйинчоги»**

**Мақсад:** қўшни мамлакатларнинг (Россия) лойдан ясалган ўйинчоқлари билан танишиш, ўйинчоқнинг номини билиш, бўяшнинг ноанъанавий усулларни қўллаган ҳолда тасвири қоғозга тушириш, нақшни геометрик шаклларини қўллайди (доира, тўғри ва тўлқинсимон чизиқлар, тўртбурчак, нукталар).

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** «Дымковская ўйинчоги» тақдимоти ва бўяш дафтари, бўёқ, мўйқалам, сув учун идиш, қоғоз, сочиқча, пахтали таёқчалар, қора қалам, суратлар.

#### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Ташқилий қисм.
2. Кириш: ўйинчоқ ҳақида сұхбат ва тақдимот.

“Болалар бизнинг мамлакатимизда лойдан ясалган ўйинчоқлар бор, уларни “Ҳамро буви ўйинчоқлари” деб атаемиз, Россияда ҳам лойдан ўйинчоқ ясайдиган усталар бор. Хал

усталари яшайдиган жойларни Ҳунармандлар маркази деб аташади. Бугун мен сизларни Димковка ўйинчоғи билан таништираман.

3. Безашни кетма-кетликда тушунтириб бериш.
4. Мустақил бўяш.
5. Жисмоний дақиқа.
6. Хулоса қилиш.

**Қўшимча қисм:** турли миллатга мансуб лойдан ясалган халқ ўйинчоқларини томоша қилиш, ўхшаш жиҳатларини аниқлаш, фарқларини топиш.

**Эътиборга молик жиҳати:** эстетик қабул қилиш, ранг ва ритмни ҳис қилишни ривожлантириш, халқ амалий санъатини чуқурроқ ҳис қилишни ўргатиш, бошқа малакатларнинг халқ санъатига нисбатан ҳурматни тарбиялаш, болаларга ўзларини халқ усталаридек тутиш имкониятини бериш.

## ФЕВРАЛ УЧИНЧИ ҲАФТАСИ

### МАВЗУ: «ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК СИЙМОЛАРИ».

*Куриши ва ясаш, математика маркази*

**Мавзу:** «Ракета» Оригами+аппликации

**Мақсад:** оригами иш усулларини билади, чизма бўйича ишлаш кўнималарини шакллантириш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** тайёр ишлар намунаси, тунги осмон учун кўк рангдаги ватман қоғози, тўртбурчак шаклидаги ҳар хил рангдаги томонлари 15 смли қоғозлар, рангли қоғозлардан кесилган бўлакчалар, юлдузлар учун кумуш рангли ялтироқ қоғоз, юлдуз шакли, ракетанинг ойнаси (иллюминатор), ракетани ясаш алгоритми, елим, мўйқалам, қайчи.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Кириш: сухбат.
2. Ракетани қуриш алгоритми билан танишув.
3. Қоғоздан ракетани мустақил булаш.
4. Ракета билан машқ.

**Қўшимча қисм:** ракета тасвирларини томоша қилиш, видеотақдимотни кўриш.

**Эътиборга молик жиҳати:** Болаларга қоғозни булашда қийналаётган дўстларига ёрдам беришни таклиф қилиш.

*Куриши ва ясаш маркази*

**Мавзу:** «Регистон майдони» (йирик қурилиш ашёларида фойдаланиб қуриш)

**Мақсад:** Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони билан танишиш, йирик қурилиш ашёлари билан ишлаш усулларини билиш, иншоатларни ижодий қуради.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** «Регистон» майдонининг суратлари, йирик қурилиш материаллари.

**Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Кириш: сухбат. «Регистон» майдонининг суратларини томоша қилиш.
2. Болаларнинг ижодий фаолияти .
3. Фаолиятни якунлаш.

**Эътиборга молик жиҳати:** қурилиш танлашда ижодий ёндашув, БХХ риоя этиш.

## Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириши маркази

### **Сюжетли ролли ўйин «Дорихона»**

**Мақсад:** “Доришунос” касби билан танишиш, беморга нисбатан ҳамдардликни ҳис қилиш, мулоқат маданияти.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** оқхалат, бош кийим, рецепт, тиббий воситалар: пахта, боғлам, шиша идишлар (банка), доривор ўтлар қутичаси, томизғич (пипетка), тонометр, фонендоскоп.

### **Фаолиятни олиб борилиши:**

1. Ўйин қоидалари билан танишиш.
2. Ролларни тақсимлаш;
3. Ўйин режасини тузиш.

4.Хулоса қилиш: болалар фикрига қўра амалга ошмаган ҳолатларни муҳокама қилиш, ўйиндан тассуротларини сўзлаш, болалар яна ўйнашни ҳохлайдиларми?

**Қўшимча қисм:** МТМнинг тиббиёт хонасига ва дорихонага экскурсия уюштириш.

**Эътиборга молик жиҳати:** ўйинда ҳамкорларига нисбатан дўстона мулоқатда бўлиш.

## Илм-фан ва табиат маркази

### **Оҳанрабо (магнит) билан тажриба.**

«Оҳанрабо (магнит) ҳамма нарсани тортадими?», «Қандай қилиб сув солинган стакандан қўлни хўл қилмай тангани олиш мумкин?» «Рақсга тушаётган қистиргич» - стол тагида оҳанрабо (магнит) юргизиши.

**Мақсад:** Оҳанрабо (магнит)нинг хусусиятлари билан танишиш, буюмни ўрганиб, тажриба ўтказиш, илмий фаразларни ўрганиб, хулосалар қилиш.

**Керакли жиҳоз ва материаллар:** ёғочдан ясалган буюмлар, темир буюмлар, пластмасс, пўлат, қофоз; оҳанрабо (магнит).

**Фаолиятни олиб борилиши:** Оҳанрабо (магнит) – кундалик ҳаётимизнинг бир қисмидир.

### **1-тажриба «Оҳанрабо (магнит) ҳамма нарсани тортадими?»**

1. Тажриба ўтказишида ҳамма буюмларни икки гуруҳга ажратиш: темир ва темир бўлмаган буюмлар. Навбат билан оҳанрабони биринчи ва иккинчи гуруҳ буюмларига яқинлаштирилади. Шунда аниқланадики, темир бўлмаган буюмларни оҳанрабо ўзига тортмайди, бироқ, темир буюмлар оҳанрабога дарров ёпишади, баъзилари эса уни тортиш кучини сезмайди.

Хулосалар: оҳанрабо пўлат, никел, темир ва шунга ўхшаш буюмларни ўзига тортади, ёғоч, пластмасса, қофоз, матони тортмайди.

**2-тажриба «Қандай қилиб сув солинган стакандан қўлни хўл қилмай тангани олиш мумкин?»**

**Мақсад:** болаларни оҳанрабонинг сувдаги хусусиятлари билан таништиришда давом этиш.

**Материал и Керакли жиҳоз ва материаллар:** сув солинган стакан, темир буюмлар, оҳанрабо.

Биринчи тажрибадан сўнг темир буюмларни сув солинган стаканга солинади.

Савол: қандай қилиб сув солинган стакандан қўлни хўл қилмай темир буюм (танга, қистиргич)ни олиш мумкин?

